

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим
вазирлиги**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ҚЎЛЁЗМА ҲУҚУҚИДА

Курбанова Ситоранинг

**“Бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни
самарали бошқаришни ташкил этиш (Самарқанд
вилояти ҳокимлиги молия бошқармаси маълумотлари
бўйича)” мавзусида**

**5A230601 – “Давлат молиясини бошқариш”
мутахассислиги бўйича магистр даражасини олиш учун**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: И.ф.н. Тешаев Ш.Ж.
Илмий маслаҳатчи: проф. Зайналов Ж.Р.

САМАРҚАНД – 2015

Кириш	4
I-БОБ. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида бюджетдан ижтимоий харажатларни молиялаштиришнинг аҳамияти	
1.1. Бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.....	13
1.2. Бюджетдан молиялаштириладиган харажатларнинг хусусиятлари.....	17
1.3. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни глобаллашуви шароитида бюджет харажатларини бошқаришни барқарорлаштириш омиллари.....	30
II БОБ. Бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни таркибий тузилишининг амалдаги ҳолати ва таҳлили (Самарқанд вилояти ҳокимлиги молия бошқармаси маълумотлари асосида)	
2.1. Бюджетдан молиялаштириладиган харажатларнинг таркиби ва миқдорий ўзгариш ҳолати ва таҳлили.....	40
2.2. Бюджет тизими бўғинлари харажатларининг йўналишларини бошқаришни амалдаги ҳолати.....	46
2.3. Бюджетдан молиялаштириладиган харажатларнинг таркибий тузилишини белгиловчи вазифалар.....	52
III БОБ. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни самарали бошқаришни ташкил этишнинг устувор йўналишлари	
3.1. Бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни самарали ташкил этишда бюджет тақчиллигининг таъсири.....	56
3.2. Бюджетдан ижтимоий соҳаларни молиялаштириладиган харажатларни самарали бошқаришни устувор йўналишлари.....	67
3.3. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни самарали бошқаришни ташкил этиш механизмини такомиллаштириш.....	74
IV БОБ. Самарқанд вилояти ҳокимлиги молия бошқармасида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари	

4.1. Ҳаёт фаолияти меҳнат муҳофазасининг қонуний асослари	100
4.2. Самарқанд вилояти ҳокимлиги молия бошқармасида меҳнат фаолиятини муҳофазасининг ҳолати	102
4.3. Самарқанд вилояти ҳокимлиги молия бошқармасида ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора тадбирлари	104
4.4. Самарқанд вилояти ҳокимлиги молия бошқармасида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари	107
Хулоса	110
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	115

Кириш

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш даражасига боғлиқ. Давлат бюджети мамлакат молиявий ресурсларини жамғариш ва тақсимлаш жараёнида ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Давлат бюджети даромадларининг бюджетга тушишининг узлуксизлиги таъминланса, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ривожланиши учун етарли даражада харажатлар қилиш имконияти мавжуд бўлади ва аҳоли турмуш фаровонлиги яхшиланади. Агарда маблағ кўрсаткичлари тўлиқ бажарилмаса, бюджет йўналишлари бўйича номувофиқлик келиб чиқади. Бу эса бюджет-солиқ сиёсати яхлитлигига путур етказиб, даромад ва харажатларнинг номутаносиблигига олиб келади.

Давлат бюджетини қабул қилиш ўз олдига бир қатор устивор вазифаларини қўяди:

- иқтисодиётни барқарор ва жадал ривожланишини таъминлаш, қатъий пул-кредит сиёсатини олиб бориш;
- молия, солиқ ва божхона идоралари олдига солиқлар ва тўловларнинг тўлалигича йиғилишини таъминлашнинг аниқ йўналишлари ва механизмларини белгилаш;
- хўжалик субъектларининг бюджет олдигаги боқиманда қарзларни кескин камайтириш;
- солиқ тўлаш интизомини мустаҳкамлаш, бюджет харажатларининг мақсадли йўналишлар бўйича оқилона сарфланишини назорат қилиш.

Бундай мақсадларга эришиш учун энг аввало, бюджет даромадларини шакллантириш ва харажатлардан оқилона фойдаланишда солиқ ставкаларини пасайтириб бориш, хўжалик субъектларининг солиқ юкини камайтириш, самарасиз солиқ имтиёзларидан воз кечиш, давлат харажатларининг таркибий ва структуравий жиҳатидан қайта кўриб чиқиш зарур.

Иқтисодий адабиётларда бюджетдан ижтимоий харажатларни молиялаштириш амалга оширилсада, ушбу жараён давлатнинг ижтимоий сиёсати асосида амалга оширилади ва давлатнинг ижтимоий сиёсати таркибида алоҳида ўринга эгадир.

Давлатнинг ижтимоий сиёсати – бу аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, унинг ҳаёт кечириши ва ишлаши учун етарли шароитларни таъминлайдиган давлат сиёсатининг асосий йўналишиларида биридир.

Иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви жараёнида давлат сиёсатининг асосий кўринишларидан бири сифатида ижтимоий сиёсат олиб борилади. Бунинг асосий сабаби, бозор иқтисодиёти жамиятдаги ижтимоий алоқаларни автоматик равишда бошқара олмайди.

Бинобарин, президентимиз 2002 йил 30 августдаги “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” номли маърузасида кўрсатиб ўтган еттинчи устувор вазифа, барча ислохотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир. Бу – демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат ижтимоий соҳаларни ривожлантириш тадбирларини бажариш орқали амалга оширилади.

Ҳар бир мамлакат учун бюджет харажатларини бошқаришни самарали ташкил қилишга эришиш жаҳон молиявий инқироzi таъсирини камайтириш талабларидан бири бўлиб ҳисобланади. Давлат бюджети харажатларини бошқаришни ташкил қилиш ишларини юқори даражага кўтаришни ғазначилик тизимисиз таъминлаш мумкин эмас. Чунки ғазначилик тизими бюджет даромадлари ва харажатларини тўғри режалаштириш ҳамда молиявий назорат асосида ижро қилиш имконини беради. Энг асосийси, ғазначиликда келгуси йил лойиҳасини тайёрлаш учун прогноз маълумотлари шакллантирилади ҳамда бюджет маблағларини ишлатилишида самарадорлик ва манзиллилиқ оширилади.

«Жахон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири, ундан кўриладиган зарарнинг даражаси ва кўлами биринчи навбатда шу давлатнинг молия ва банк тизимларининг нечоғлик барқарор ва ишончли эканига, уларнинг химоя механизмлари қанчалик кучли эканига боғлиқлигини исботлашга ҳожат йўк»¹. Бугунги кунда Давлат бюджетини бошқариш соҳасидаги долзарб муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда, ғазначилик органларининг фаолияти давлатнинг молиявий назоратида ўзининг ижобий томонларини кўрсатмоқда.

Бюджетдан молиялаштириладиган харажатлар давлат бюджети ижроси босқичида ҳар доим давлат учун ҳам, ҳар бир фуқаро учун ҳам катта аҳамиятга эга. Мамлакатда турмуш фаровонликни ошириш харажатларни тўғри ва самарали ташкил этиш ҳамда уларни мақсадли ишлатилишига бевосита боғлиқ. Бюджет жараёнининг икки босқичидаги ислохотлар мамлакатнинг молиявий ресурсларни самарали бошқариш ва назоратини таъминлаш ҳамда ягона давлат ҳокимияти органи қўлида бюджет маблағларини марказлаштириш ғазначилик тизимини яратилиши ва ривожланишига бориб тақалади.

“...Хукуматимиз томонидан 2009-2015 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши дастурнинг инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишда роли ва аҳамияти катта бўлди. Дастур ўзига қамраб олган, ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатларда аввало мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксизлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чоратадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг ўзининг амалий самарасини берди, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз”².

¹ Каримов И.А. жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон. 2009 й. 15-б.

² Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент. Ўзбекистон. 2010 й. 35-б.

Ўзбекистон танлаган ислохот йўли-ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти бозор механизмини самарали ишлашини, аҳоли турмуш фаровонлигини юқори бўлишини ва кучли ижтимоий кафолатларни назарда тутди. Давлатнинг молиявий фаолияти миллий даромадни, ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш йўли билан шахсий эҳтиёжларнигина эмас, шу билан бирга ижтимоий эҳтиёжларни қондириш зарурлиги юзасидан объектив жараён ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида бюджетни ижтимоий йўналтирилган харажатларини таъминлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва кенг кўламли ижтимоий дастурларни маблағ билан таъминлаш ва унинг янги манбаалари билан оқилона уйғунлаштириб боришни тақозо этади.

Хукуматимиз томонидан ижтимоий жараёнларни давлат, хўжалик субъектлари ва аҳоли ўртасида мавжуд бўлган иқтисодий муносабатлар асосида мувофиқлаштириш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилди. Мустақиллик йилларида ижтимоий соҳа ўз фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва бажарадиган вазифалари, ташкилий тузилиши, бошқарилиши ва молиявий таъминланиш механизми бўйича тубдан ўзгарди. Республикамизда кейинги йиллар мобайнида ижтимоий соҳани ривожланишини рағбатлантирувчи муҳим қонуний ҳужжатлар қабул қилинди.

Ҳар қандай бюджетни шакллантиришда мавжуд даромадлардан тўлиқ фойдаланилган ҳолда, фаолият олиб бориш ўз навбатида талаб қилинаётган харажатларни максимал даражада қондириш ва уларни молиялаштириш имкониятини яратади. Шунинг учун мамлакат (ҳудудлар)да давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий сиёсатини мукаммал тарзда амалга ошириш учун энг аввало, давлат (маҳаллий) бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни оқилона сарфлаш ва уларнинг самарали бошқарилишини таъминлаш

танланган мавзунинг долзарблигини ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни самарали бошқариш масалалари хорижлик иқтисодчилар И. Акперов, Т. В. Брайчева, Х.Н.Гизатулин, И.Р. Зарипова, М. Дмитриев, Л.В. Журавлева ва Н.В.Коровлевалар³нинг илмий ишларида ўрганилган.

Бюджет соҳасидаги ислохотларнинг такомиллашуви шароитида Ўзбекистонда бюджет тизимини ривожлантириш ва бюджет харажатларидан оқилона фойдаланиб, уни самарали бошқариш билан боғлиқ масалалар И.А. Азизова, А. Ваҳобов, Г. Қосимова, Ж.Р.Зайналов, Б.Ш.Хусанов, И. Р. Зарипова, В.Р. Хафизова, Т.С.Маликов, П.Т. Жалилов, Н.Ҳ. Ҳайдаров, З.Х. Срожиддинова ва Ж.Р.Сиддиқов⁴ каби иқтисодчи олимлар ва амалиёт ходимлари томонидан тадқиқ этилган.

Юқорида қайд этилган иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида тижорат банклари қисқа муддатли кредитлаш ва уни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари алоҳида мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Илмий муаммони долзарблиги ва иқтисодий адабиётда етарли тадқиқ этилмаганлиги ушбу мавзунинг тадқиқот мавзуси сифатида олинishiга асос бўлди.

³ Акперов И. и др. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации. Учебное пособие. - М.: «Финансы и статистика», 2011.;Брайчева Т. В. Государственные финансы. Санкт Петербург.: Питер. 2001. -278с.;Гизатулин Х.Н., Зарипова И.Р. Формирование и проблемы расширения самостоятельности местных бюджетов в условиях рыночных отношений. 2-изд. Уфа: Институт экономики УрО РАН, 2001. 248с.; Дмитриев М. Бюджетная политика в современной России. -М.: Московский Центр Карнеги. 2001. - 264с.; Журавлева Л.В. Бюджетная политика как метод государственного регулирования. -М.: Дело. 2001. - 264с.;Коровлева Н.В. Бюджетно-налоговая политика-как проявление экономической политики. Региональный аспект. 2-изд. Сыктывкар: Изд. Сыктывкарского Гос. Унив-та, 2000. 196с.

⁴ Азизова И.А. Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш. - Т.: 2010. - 152 б.; Ваҳобов А., Қосимова Г. Давлат молиясининг бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: Iqtisod-moliya, 2008. -287б.; Ваҳобов А., Маликов Т. Молия. Дарслик. - Т.: Ношир, 2011. - 712 б.; Зайналов Ж.Р., Хусанов Б.Ш., Раупов Д.У. - «Давлат бюджети» фанидан Ўқув-услубий мажмуа: СамИСИ, 2013. 1203 бет.; Зарипова И. Р. Хафизова В.Р. История развития и современное состояние межбюджетных отношений в России. -Уфа: ГП Принт. 2001. -181с.; Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. - Т.: Академнашр, 2011. - 472 б.; Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавллат молияси. - Т.: Молия, 2009.; Срожиддинова З.Х. Ваҳобов А.В., Сиддиқов Ж.Р. Государственный бюджет Республики Узбекистан. Учебное пособие. Т.: ТФИ. 2001. 107с.

Магистрлик диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши СамИСИнинг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни самарали бошқаришни ташкил этишни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Магистрлик диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар қўйилган:

- бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ёритиш;
- бюджетдан молиялаштириладиган харажатларнинг хусусиятларини ёритиб бериш;
- ижтимоий-иқтисодий жараёнларни глобаллашуви шароитида бюджет харажатларини бошқаришни барқарорлаштириш омилларини аниқлаш;
- бюджетдан молиялаштириладиган харажатларнинг таркиби ва миқдорий ўзгариш ҳолати ва таҳлилини амалга ошириш;
- бюджет тизими бўғинлари харажатларининг йўналишларини бошқаришни амалдаги ҳолатини ўрганиш;
- бюджетдан молиялаштириладиган харажатларнинг таркибий тузилишини белгиловчи вазифаларни аниқлаш;
- бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни самарали ташкил этишда бюджет тақчиллигининг таъсирини ёритиш;
- бюджетдан ижтимоий соҳаларни молиялаштириладиган харажатларни самарали бошқаришни устувор йўналишларини аниқлаш;
- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни самарали бошқаришни ташкил этиш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Самарқанд вилояти ҳокимияти Молия бошқармаси ҳисобланади.

Тадқиқот предмети бўлиб мамлакатимизда бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни самарали бошқариш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар йиғиндиси ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Магистрлик диссертация ишини ёзишда гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, таркибий таҳлил каби усулларидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланиши мумкин:

-Бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини тўла ёритиш;

-Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни глобаллашуви шароитида бюджет харажатларини бошқаришни барқарорлаштириш омиллари асослаб бериш;

-Бюджетдан молиялаштириладиган харажатларнинг таркибий тузилишини белгиловчи вазифаларни белгилаб олиш;

-Бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни самарали ташкил этишда бюджет тақчиллигининг таъсири ёритиб бериш;

-Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни самарали бошқаришни ташкил этиш механизмини такомиллаштириш.

Ишнинг илмий янгилиги Ўзбекистон Республикасида бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни самарали бошқаришни ташкил этишни такомиллаштиришга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсияларнинг ишлаб чиқиш билан белгиланиши кўзда тутилган.

Магистрлик диссертацион тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидаги натижалар орқали намоён бўлиши мумкин:

- Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни глобаллашуви шароитида бюджет харажатларини бошқаришни барқарорлаштириш омилларини ишлаб қаратилган илмий тақлифлар ишлаб чиқишда;

- Бюджет тизими бўғинлари харажатларининг йўналишларини оқилона бошқаришнинг устувор аҳамиятга эга эканлиги асослаб беришда;

- Бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни самарали ташкил этишда бюджет тақчиллигининг таъсири ва унинг келиб чиқиш сабаблари аниқлашда;

- Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни самарали бошқаришни ташкил этиш механизмини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш кабилар бўлиши кўзда тутилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар бюджет тизимида харажатларнинг самарали бошқарилишини ташкил этиш йўналишларини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

Магистрлик диссертация ишининг материалларидан кейинчалик олий ўқув юртларида “Молия”, “Давлат бюджети”, “Маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва бошқариш” каби курсларнинг ўқув дастурини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Магистрлик диссертацияда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Самарқанд вилояти ҳокимлиги Молия бошқармаси томонидан қабул қилиниши кўзда тутилган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Магистрлик диссертациянинг асосий мазмуни ва натижалари СамИСида ташкил этиладиган илмий анжуманларда муҳокама этилиши кўзда тутилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот ишининг натижалари бўйича жами 5 та илмий мақола ёки тезислар нашр қилиниб, шу жумладан республика илмий-амалий конференция тўпламларида чоп этилиши кўзда тутилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлади, унинг ҳажми эса белгиланган доирада бўлади.

I-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА БЮДЖЕТДАН ИЖТИМОЙ ХАРАЖАТЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

1.1. Бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни ижтимоий-иқтисодий аҳамияти

Мустақиллик йилларида ҳар бир фуқаронинг манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қуришнинг асосий шартларидан бири деб белгиланган.

Ижтимоий нуқтаи назардан иқтисодиётни ва бутун жамиятни ислоҳ қилишнинг бошланғич энг мураккаб ўтиш даврида кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва аҳолини молиявий ҳимоялашнинг самарали механизми ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилди.

“Ҳеч кимга сир эмаски, ҳаёт даражаси биринчи навбатда аҳолининг даромадлари миқдори билан белгиланади. Ўтган 2014 йилда бу кўрсаткич юртимизда 17,5 фоизга ўсди, энг кам иш ҳақи 26,5 фоизга ошди.

Умуман олганда, 2000 йил билан таққосланганда, реал даромад аҳоли жон бошига 8,6 баробар кўпайди. Ҳисоб-китобларга кўра, ўртача иш ҳақи истеъмол саватчаси баҳосидан 4 баробардан зиёд ошди.

2014 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдорини ўртача 23 фоиздан кам бўлмаган даражада ошириш, 2014 йилда ва кейинги икки йилда аҳоли реал даромадларининг камида бир ярим баробар кўпайтириш вазифаси кўйилмоқда”⁵.

Ижтимоий соҳа товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга, аҳоли ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга, фуқароларнинг муносиб турмуш

⁵ Каримов И.А. “2015 йил иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” // Халқ сўзи, 11-сон, 17-январ 2015й. 3-бет.

шароитини таъминлашга йўналтирилган бўлади. ижтимоий соҳани ривожлантириш ва молиялаштириш қуйидаги омилларга, яъни:

- ижтимоий сиёсатга;
- демографик ҳолатга;
- аҳолининг ўсиш суръатига;
- аҳолининг ёш бўйича таркибига;
- иқтисодиёт ҳолатига;
- аҳоли жон бошига тўғри келадиган яим ва миллий даромадга;
- иқтисодий ўсиш суръатига бевосита боғлиқ бўлади.

“Ижтимоий ҳимоя” тушунчасини “ижтимоий ёрдам”, “ижтимоий нафақа” ва “ижтимоий таъминот” тушунчаларидан фарқламоқ керак. Қарилиги, соғлиги, ижтимоий аҳволи, тирикчилик учун етарли воситалар билан таъминланмаганлиги туфайли ёрдамга муҳтож фуқароларга кўрсатилаётган давлат ва жамиятнинг ғамхўрлигига ижтимоий ёрдам дейилади. Бу ёрдам пенсия, нафақалар тўлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, 14 ёшгача фарзанди бўлган кам таъминланган оилаларга ойлик нафақа тўлаш, беморлар ва кексаларга хизмат кўрсатиш, болаларга ғамхўрлик қилиш кўринишида ишлари амалга оширилади.

Ижтимоий ҳимоя ёрдами жараёнида аҳолининг умумжамият ишлаб чиқаришда қандай иштирок этишидан қатъи назар, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш амалга оширилади.

Ижтимоий ёрдам дастурларини молиялаштиришнинг асосий манбаи давлат бюджети бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат Бюджети харажатлари аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда янада ижобий ўзгаришларни таъминлашга, бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия миқдорини изчил ошириб бориш каби ижтимоий соҳадаги тадбирларни молиялаштириш билан бирга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида мамлакатни барқарор иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омили сифатида ички талабни

рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга оширишга қаратилмоқда.

Ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик (жами даромад) миқдори жами даромад аниқланаётган давр учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 баробаридан ортиқ бўлмаган болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинланади. Кўзда тутилган бюджет маблағларини вилоят туманлари (шаҳарлари) ўртасида тақсимлаш Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари томонидан ҳар бир туман ҳудудида яшовчи оилалар муҳтожлигини, ушбу оилаларнинг таркиби ва олдинги даврларда ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиши даражасини инobatга олган ҳолда амалга оширилади.

2011-2014 йилларда Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг салмоғини таҳлил қиламиз (1-жадвал).

1-жадвал

2011-2014 йилларда Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг салмоғи

Т/р	Кўрсаткичлар	2011 йил		2012 йил		2013 йил		2014 йил	
		млрд. сўм	% да	млрд. сўм	% да	млрд. сўм	% да	млрд. сўм	% да
1.	Давлат мақсадли жамғармаларисиз - жами	16991,1	100	21571,7	100	26312,4	100	31468,6	100
2.	Ижтимоий соҳалар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун харажатлар – жами	10112,3	59,5	12513,2	58,0	15573,5	59,1	18975,6	60,3
	шу жумладан:								
2.1.	Маориф	5890,8	34,7	7223,7	33,5	8984,6	34,1	10919,4	34,7
2.2.	Соғлиқни сақлаш	2217,7	13,0	2820,3	13,1	3768,5	14,3	4688,8	14,9
2.3.	Маданият ва спорт	194,8	1,1	226,9	1,1	279,1	1,1	346,2	1,1
2.4.	Фан	111,0	0,6	140,3	0,7	173,1	0,7	220,3	0,7
2.5.	Ижтимоий таъминот	74,3	0,4	93,8	0,4	107,3	0,4	125,9	0,4
2.6.	Оилаларга ижтимоий нафақалар, шу жумладан болали оилалар нафақалари	1582,6	9,3	1899,0	8,8	1839,9	7,0	2706,3	8,5

2011-2014 йилларда Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг салмоғини таҳлил қиладиган бўлсак, давлат мақсадли жамғармаларисиз жами харажатлар 2011 йилда 16991,1 млрд. сўмдан 2013 йил режа бўйича 26312,4 млрд.сўм, 2014 йилда 31468,6 млрд. сўмга етди. Ижтимоий соҳалар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун харажатлар 2011 йилда 10112,3 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 12513,2 млрд. сўмни ташкил этган. Бу харажатлар гуруҳи 2014 йилда 11386,0 млрд. сўм миқдорида режалаштирилган бўлиб, жами харажатларнинг 60,3 фоизини ташкил этади. Шундан 125,9 млрд. сўми ижтимоий таъминот, 2706,3 млрд. сўм оилаларга ижтимоий нафақалар ҳиссасига тўғри келади.

Кўзда тутилган бюджет маблағларини фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг махсус ҳисобларига тақсимлаш туман молия бўлими томонидан бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан биргаликда эҳтиёжманд оилалар сонини ҳисобга олган ҳолда, молиялаштиришга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб амалга оширилади.

1.2. Бюджетдан молиялаштириладиган харажатларнинг хусусиятлари

Республикамизда бюджетдан молиялаштиришни амалга оширишда марказлашмаган йўналиш асосий ўрин тутди. Яъни маҳаллий бюджетлар харажатларининг давлат бюджети харажатлари таркибидаги улущнинг ошиб бориши кузатилмоқда.

Давлат бюджети харажатларининг таркибида эса маҳаллий бюджет харажатларининг салмоғи ошиб бормоқда, яъни у 1991 йилда 48,2 фоиздан, 2014 йилда 55,0 фоизга етди. Чунки, ижтимоий соҳа харажатларининг 80% фоизи ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатларининг 100% фоизи маҳаллий бюджетлардан амалга оширилади.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, “...ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли – марказий ва юқори

давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа боришни таъминлашдир. Мамлакат бюджети даромад қисмининг 56 фоизи ва харажат қисмининг 52 фоизини ҳудудий бюджетлар ташкил этмоқда”⁶.

Агар барча бошқарув масалалари молиявий йўл билан ҳал этилишини назарда тутадиган бўлсак, мана шу рақамлар ҳудудий ҳокимият тузилмалари ваколатларини кенгайтириш борасида қилинган ишлар салмоғини яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикасидаги бозор ислохотларининг ўзига хос жиҳати ҳам, амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаси ҳам бу шахс салоҳиятини кўтариш ҳисобланади. Ҳозирги шароитдаги таълим мажмуини, кадрлар тайёрлаш кўп даражали тизимини ривожлантириш, бу борада янги концепцияни рўёбга чиқаришга, иқтисодиётда зарур силжишларни амалга оширишга, жумладан, асосий ишлаб чиқарувчи куч - инсонни тараққий қилдиришга, унинг иқтисодиётдаги ва ижтимоий соҳадаги ўзгаришларга доимий мослашувини таъминлашга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, “ҳалқ таълимини тубдан ислоҳ қилиш, мазкур дастурни амалга ошириш биздан ниҳоятда катта куч, маблағ ва имконият талаб қилмоқда, лекин ҳам иқтисод, ҳам сиёсат, ҳам маънавият нуқтаи назаридан бу сарф-харажатларга назар ташласак, ундан келадиган манфаат ҳар қандай харажатларни қоплаши ва оқлаши мумкин”⁷. Жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилашга қаратилган фаолиятимиз ва дастуримиз марказида инсон туради. Ислохотларнинг мазмуни айтилиши ҳар бир фуқаро ўз қобилиятини, ўз истеъдодини намоён этишига ва шахс сифатида ўзини кўрсатиш имкониятига эга бўлишга қаратилган.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов маърузаси. 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишлари ҳамда 2003 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари.// Ишонч газетаси. 2003 йил 19 феврал.

⁷ Каримов И. А. «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиёти пойдевори». Олий Мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган нутқи. // «Халқ сўзи». 1997 йил 29 август.

Ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, ишончли ижтимоий кафолатларни яратиш, меҳнатнинг манфаатли бўлишини кучайтириш ислохотларни ўтказиш учун мустаҳкам ижтимоий таянч бўлади, унинг муқаррарлигининг гарови бўлиб хизмат қилади.

Биз шунчаки демократик жамият эмас, балки адолатпарвар демократик давлат қуришга интилаяпмиз. Адолатга интилиш халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусиятдир. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак. Бугунги кунда жамият ҳаддан ташқари бойларга ва камбағалларга ажралиб кетишига йўл қўймаслик керак, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатлами-болалар, қариялар, ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш ишларини амалга ошириш ва такомиллаштириш зарур.

Аҳолини ҳимоялаш борасида “Қарияларни қадрлаш йили”, “Соғлом авлод йили”, “Она ва бола йили”, “Обод маҳалла йили” дастурларида белгиланган тадбирларни молиявий таъминланди, жорий йилда эса “Кексаларни эъзозлаш” давлат дастури каби дастурлар бўйича маҳаллий бюджетлардан белгиланган маблағларни ажратилиши ҳамда мақсадли йўналтирилиши таъминлаш амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Конституциямизнинг 13 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишидаги маърузасида кўрсатиб берилган мақсад ва вазифалар асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар юртимизда бағрикенглик ўзаро меҳр-оқибатлик, фуқаролараро тотувлик, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтириш, ёшларни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон моделига асос бўлиб хизмат қилган машҳур беш тамойилдан бири аҳолини ижтимоий муҳофаза

килишга қаратилган бўлиб, мазкур тамойил мамлакатимиз ички сиёсий барқарорлиги учун ўта муҳим шартлардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Давлат сиёсатининг бу борадаги йўналишлари, авваломбор, мавжуд ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хусусан, ногиронлар, қаровчисиз фуқаролар ва ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилаларга берилаётган моддий ва маънавий ёрдамларнинг таъсири ва самарасини кўтариш, давлат ва нодавлат ташкилотлари, маҳалла каби ўзини-ўзи бошқариш органларининг бу масала бўйича фаоллиги ва масъулиятини ошириш, халқаро ташкилотлар, тадбиркорлик ва хусусий бизнес тузилмаларини куч ва имкониятларини ана шундай эзгу ишларга жалб этишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам ўз аксини топди.

Республикамизда қабул қилинган «Кексаларни эъзозлаш» дастури аввалги йилларда қабул қилинган «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Обод маҳалла йили» дастурларнинг мантикий давоми бўлиб, унинг асосий маъно-мазмунини халқимизга хос бўлган азалий қадриятлар ва замонавий демократик тамойилларга таянган ҳолда, давлат ва жамиятнинг кексаларга бўлган муносабат ва эътиборини янада кучайтиришдан иборатдир.

Бюджет лойиҳаси ҳамма бюджет маълумотларини бир ягона давлат бюджетига жамлаш имкониятини яратадиган асосий ташкилий функцияни амалга оширувчи ҳужжатгина бўлиб қолмай, у катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлган хизматларни амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда. Бюджет харажатларини бир хил хусусиятлари бюджет хизмати бўйича гуруҳланиши орқали хизматларнинг юритилишида намоён бўлади. Бюджет хизмати қонунчиликда белгиланган тартибда бюджет ташкилотларини маблағларга бўлган талабини қондиришда ўз аксини топади. Бюджет хизматларини кўрсаткичлари доирасида шакллантириладиган ва ижро этиладиган, яъни

объектларни гуруҳлаштириш ва кодларини белгилаш харажатлардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, “бошқарувга сарфланадиган харажатларни камайтириш, ижтимоий ҳимоялашнинг табақалаштирилган номма-ном тизимини белгилаш, дотацияларнинг ҳар хил турларини ва нархларни қоплаш учун маблағ ажратишни тугатиш, моддий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга марказлаштирилган тарзда маблағ ажратишни кескин чеклаш ҳисобига бюджет харажатларини ўсишини қатъий чегаралаб қўйиш – бюджет етишмовчилигини тугатишнинг асосий манбаларидан биридир”⁸.

Шу боис, маҳаллий бюджет хизматларини ташкил этишда бюджет маблағларининг самарали ишлатилишини кўзда тутадиган тадбирларни амалга ошириш муҳимдир. Бундай тадбирларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- бюджет ташкилотларида коммунал хизматлар бўйича лимитлар доирасида бюджет хизмати назоратини таъминлаш;
- маҳаллий бюджетдан кўрсатиладиган хизматлар (яъни, молиялаштириладиган ташкилот ва муассасаларда меҳнатга ҳақ тўлаш)ни таҳлил қилиш;
- маҳаллий бюджетдан бюджет ташкилотларига кўрсатиладиган хизматларни ва улардаги хизматчиларнинг сонини қисқартириш бўйича инвентаризация ўтказиш;
- турар-жой, коммунал хўжалик ташкилотларига молиявий хизматлар тизимини ўзгартириш;
- бюджетдан дотация бериш хизмати амалиётидан аста-секин воз кечиш.

Демак, гап маҳаллий бюджет харажатлари ҳақида кетар экан, республикада бюджет қонунчилигини ўзгартиришда қуйидагиларга эътибор бериш муҳимдир:

⁸ Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Т.: Ўзбекистон, 2005. – 103 б.

- маҳаллий ҳокимият органларининг маҳаллий бюджетларни режалаштириш ва ижро этиш билан боғлиқ хизматлар бўйича ҳуқуқларни кенгайтириш;

- маҳаллий бюджетларни давлат бюджетининг таркибий қисми сифатида қараш ва бюджет хизматлари доирасини кенгайтириш лозим.

Бюджет муассасалари бюджетдан кўрсатиладиган хизматлардан ташқари бошқа пулли хизматлардан фойдаланиши мумкин. Бу хизматлар турли корхона (муассаса, ташкилот) ҳамда жисмоний шахсларга турли ишларни бажариб бериш, хизматлар кўрсатиш эвазига кўрсатилиши мумкин (масалан, олий ўқув юртларига шартнома, касалхоналарда пуллик хизматлар). Бу маблағлар жумласига транспорт воситаларини эксплуатация қилиш даромадлари, ижара тўловлари, бино ва хоналардан олинадиган бошқа даромадлар қиради.

Бюджет сиёсатида энг муҳим вазифа бюджет тақчиллигига йўл қўймаслик, бюджет харажатларини оқилона, самарали аниқ мақсадли ва эғали бўлишга эришишдан иборат. Молия-бюджет сиёсатида аниқ узоқ муддатга белгиланган, жаҳон андозаларига мослаштирилган асосда иш олиб бориш муҳимдир. Шунинг билан бирга, ҳозирги кунда бюджет маблағларидан янада оқилона, мақсадли, тежаб фойдаланиш имкониятларини излаш зарур.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджетлар мустақил ҳисоблансада, улар учун қатор чекловлар белгиланган. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг режали даромад ва харажатларга эга бўлиши мавжуд чекловларни енгиллаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодексига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар тақчиллигига йўл қўйилмайди.

Бюджет хизматларини амалга оширишда бюджетни қабул қилиш ва уни ижро этиш алоҳида аҳамиятга эга бўлиши муҳимдир. Бу эса бюджет

харажатлари доирасида тўлиқ ва сифатли хизматларни бажариш ҳамда назоратга олиш, уларнинг бажарилишига таъсир этувчи турли салбий омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун зудлик билан зарур чоратадбирлар белгилаш имконини яратади.

Дастлабки бюджет хизмати харажатлар режасини тузиш вақтида ўтказилиши зарур бўлади. Ушбу орқали бюджет ташкилотларининг мажбуриятлар ҳисобини юритиш хизматларини амалга оширишда ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг кўзда тутилмаган харажатлари бўйича бюджет мажбуриятлари олинishiга қаршилик кўрсатиш мумкин бўлади. Дастлабки бюджет хизмати назорати тахминлаштириш, режалаштириш ва лойиҳалаштириш босқичида, молиявий операциялар амалга оширилишидан аввал лойиҳалаштириш босқичида, молиявий операциялар амалга оширилишидан амалга оширилиши оқилона бошқарув қарорлар қабул қилинишига имкон яратади. Бюджет хизматининг мақсади ноқонуний операциялар, самарасиз харажатларнинг олидини олиш бўлиб ҳисобланади. Бюджет хизматлари молиявий операцияларни амалга оширилишида намоён бўлса, унда бюджет назорати ундан кейин штказилади. Натижада текширилаётган ҳужжатларни ва муассасанинг молиявий фаолияти ўрганилади. Бюджет хизматларини амалга оширишда бюджет назорати ҳам молиялаштириш босқичида амалга оширилади. Бунда бюджет ташкилотлари бюджетни ижро қилувчи органга мажбуриятларни мажбуриятларни қабул қилганлик ҳолатини тасдиқлайдиган ҳужжатларни текширув учун тақдим қилиши, бундан ташқари, аниқ харажатларни тўловига ҳужжат тайёрлаб бериши мавжуд хизмат талабларига риоя қилинишини тақозо этади. Шу босқичда бюджет ташкилотларининг кўзда тутилмаган харажатларига қаршилик кўрсатиш имконияти юзага келади.

Бюджет мажбуриятларини қабул қилишда товарлар ва хизматларнинг реал қийматига товарлар ва хизматлар учун тўланган суммага мувофиқлиги белгиланиши бюджет хизматларини лойиҳасини тузиш ва кўриб чиқиш учун жавобгар молия ва назорат органлари, давлат бошқарув

органлари, шунингдек, Ҳисоб палатаси томонидан амалга оширилишини таъминлаш талаб этилади. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва тегишли ҳудудий молия органлари қуйидаги хизмат кўрсатиш ҳуқуқларига эга бўлишлари муҳимдир:

- Бюджет хизмати билан таъминланадиган ташкилотлардан бюджетни режалаштириш, маблағ билан таъминлаш, тегишли ташкилот томонидан бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш учун зарур бўлган ҳисобот маълумотларини сўраш билан боғлиқ хизматларни амалга ошириш;

- Кредит муассасаларидан уларнинг уставларига мувофиқ бюджет ташкилотларининг операциялари ва ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотларни олиш билан боғлиқ бюджет хизматларини кўрсатиш;

- Ташкилотлар томонидан маблағлар ғайриқонуний сарфланганда, бюджет интизоми бузилиши ҳоллари аниқланганда, шунингдек, илгари ажратилган маблағлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботлар ва бошқа белгиланган ҳисобот тақдим этилмаганда, бу ҳақда тегишли вазирлик (идора)лар, ҳокимликлар раҳбарларини хабардор қилган ҳолда ташкилотларни бюджетдан маблағ таъминлашни чеклаш ва зарур ҳолларда тўхтатиб қўйишга қаратилган хизматлар кўрсатиш;

- Бюджет ташкилотларининг молиявий фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш билан боғлиқ хизматларни амалга ошириш;

- Аниқланган қонун бузилишларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва бажарилишини текшириш билан боғлиқ хизматларни амалга ошириш;

- Амалдаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда текшириш материалларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериш билан боғлиқ хизматларни амалга ошириш.

Бюджет маблағларини сарфлашда бюджетдан кўрсатиладиган хизматларни чекланганлиги, бюджет тақчиллигининг мавжудлиги, бюджетда ижтимоий соҳалардан ташқари бошқа харажатларга аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, иқтисодиёт тармоқларининг мутаносиб

ривожланишини таъминлаш, мамлакатнинг муҳофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ҳам зарурият мавжуд эканлигини ҳисобга олиш зарур бўлади. бюджет маблағларини сарфлаш билан боғлиқ хизматлар йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни келиб чиқиш сабаби молия ҳамда назорат-тафтиш идоралари ходимларининг улар олдида қўйилган асосий вазифа бюджет интизомига риоя этишни таъминлашга масъулият билан ёндашишни талаб этади. Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ижроси чуқур таҳлил қилиниши, талаб даражасида назорат ўрнатилиши, бюджет ташкилотларида маблағларни мақсадли сарфлаш тўғрисида кенг доирадаги тушунтириш ишлари етарли даражада олиб борилиши ўта сифатли бюджет идора ходимлари томонидан хизмат кўрсатилишини талаб этади.

Бюджет ташкилотлари харажатларининг катта қисмини коммунал хизмат тўловлари ташкил этади. Бюджет ташкилотларида коммунал хизматлар (иссиқлик энергияси, иссиқ ва совуқ сув, канализация), газ ва электр энергияси сотиб олиш харажатлари лимитларига қатъий риоя этиш талаб этилади. Барча бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси тасдиқланганидан сўнг бир ҳафта ичида коммунал хизматлари кўрсатувчи, газ ва электр энергияси сотувчи корхоналар билан шартномаларни ушбу хизматларга сметаларида кўзда тутилган лимитлар доирасида тузишни таъминлаш, ҳисоб-китобларни ойма-ой амалга ошириб бориш, лимитдан ортиқча кўрсатилган хизматларга ҳақ тўламаслик муассасаларда ушбу харажатларга масъул бўлган ходимларни буйруқ билан бириктириб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бюджет муассасаларида тегишли мутахассисларнинг йўқлиги ортиқча маблағ сарфланишига олиб келмоқда. Буни бартараф этиш мақсадида молия бошқармаларида газ, совуқ сув, иссиқ сув, электр энергияси тармоқлари билан ишлайдиган штатлар киритилса, шартнома тўғри тузилиши ва бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилишини назорат қилиш ва маблағлардан мақсадли фойдаланишга эришиш мумкин бўлар эди.

Ушбу мақсад ва вазифаларга эришишда ғазначилик тизими ходимларининг роли каттадир. Ғазначилик тизими бюджетдан маблағ олувчиларнинг мажбуриятини ижро учун қабул қилади ва кейин тақдим қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун ғазначилик уларнинг номидан ҳамда бюджетдан маблағ олувчининг топшириғига асосан хизмат кўрсатиш ваколатини ўзига олади, бюджет маблағларини мақсадли ишлатилишининг назоратини таъминлаш асосида тўлов билан боғлиқ хизматларни амалга оширади.

Ғазначилик тизимида бюджет хизматлари аввало бюджетни ижро қилиш жараёнида амалга оширилади. Бунда барча бюджет маблағларининг миқдори, бюджетдан молиялаштиришнинг кафолатланган лимити, бюджетдан маблағ олувчилар томонидан ҳақиқий тузилган шартномаларнинг ҳажми, тузилган шартномалар асосида берилган аванс тўловларининг ҳажми, товар-моддий бойликлар ва бажарилган ишлар ҳажми қабул қилинганлиги тасдиқлангандан кейин, шунингдек, тақдим қилинган счёт-фактураларнинг тўғрилигини текширгандан сўнг тўланадиган иш ҳақи ва бошқа турдаги пул маблағлари суммаси кўрсаткичлари аниқ ҳисоб-китобни амалга оширишда намоён бўлади.

Айтиш жоизки, ғазначилик тизимининг фаолияти нафақат давлат молиявий ресурсларини сафарбар қилиш орқали давлат харажатларини мунтазам самарали бошқариш имкониятини яратади, балки улар устидан назорат қилиш имконини ҳам беради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 11 февралдаги 66-сон “Бюджет интизомига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши билан молиявий назорат ишлари янада такомиллаштирилди. Республика ва маҳаллий бюджетларнинг қатъий бажарилиши, харажатларнинг ўз вақтида тўлиқ ва мақсадли амалга оширилиши устидан доимий назоратни таъминлаш амалдаги қонун-қоидалар ва меъёрий ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари

ходимлари томонидан амалга оширилади. Назорат-тафтиш бош бошқармасининг фаолияти ҳозирги даврда кенг қамровли бўлиши, яъни соҳалар бўйича харажатлар сметасининг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши, молия органларида рўйхатга олиниши, ўз вақтида тўлиқ молиялаштирилиши, банк томонидан ўз вақтида ва тўлиқ нақд пул билан таъминланиши, бюджет муассасалари томонидан белгиланган харажатлари лимити ва штат-смета интизомига риоя этилиши каби жараёнлар назорат қилиниши талаб этилади. Бунинг учун эса кенг қамровли назорат-тафтиш ишларини ўтказиш кўп вақтни талаб этмаслиги, аниқланган камчиликлар юзасидан молиявий қарорларни қабул қилиниши жойларда молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш йўлида кенг имкониятлар яратилиши мумкин бўлади.

Маҳаллий бюджет маблағларининг эгаси сифатида амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосланиб, умумий ҳажми бюджет қонунчилигида белгиланган миқдорда пул маблағларини ажратади. Бюджет харажатларида давлат ҳокимияти, давлат бошқарув органлари, молия-кредит идоралари тизими орқали таъсири тегишли маблағларга эҳтиёж сезилган пайтдан бошлаб уларни сарф харажат қилгунга қадар бўлган бутун давр мобайнида юз бериб туради.

Маҳаллий бюджет объектив иқтисодий категория бўлиб, икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан, у иқтисодиёт тармоқларини молиявий таъминлашга қаратилган харажатлардан иборат. Иккинчидан, эса бу харажатлар корхоналарнинг ва жисмоний шахсларнинг даромадидан ташкил топади. Харажатларни бюджет маблағлари ҳисобига қоплаш соҳасидаги ҳукуқий муносабатнинг биринчи қатнашчиси бу – давлат манфаатларини ифода этувчи ва давлат номидан маблағларини берувчи молия ташкилотидир. Бюджет харажатларини айрим турларини белгилаш, чораклар бўйича тақсимлаш, кредит очиш, кредитни чақириб олиш, бюджет маблағларидан тўғри ва самарали фойдаланиш устидан назорат олиб бориш молия идоралари томонидан амалга оширилади.

Давлатнинг ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган харажатлари фақат ижтимоий эмас, балки иқтисодий аҳамиятга эга бўлади, жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ёрдам беради, чунки давлат амалга ошираётган, аҳолининг ҳамма қатламлари манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий фаолият натижалари ижтимоий соҳа орқали рўёбга чиқади.

Давлатнинг ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган харажатлари жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ёрдам беради, чунки давлат амалга ошираётган, аҳолининг ҳамма қатламлари манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий фаолият натижалари ижтимоий соҳа орқали рўёбга чиқади. Шунинг учун «молиявий аҳвол қанчалик мураккаб бўлмасин, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун зарур маблағ қидириб топилиши шарт»⁹.

Республикамизда бюджетдан молиялаштиришни амалга оширишда маҳаллий бюджетлар харажатларининг давлат бюджети харажатлари таркибидаги улушнинг ошиб бориши кузатилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар маблағлари тасдиқланган бюджет доирасида харажат қилинади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағлар ажратиш доирасида қуйидагича амалга оширилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг жорий харажатлари шаклида;

2. Жорий бюджет трансфертлари шаклида;

3. Капитал харажатлар шаклида;

- асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;

⁹ Каримов И.А.. “Биздан озод ва обод ватан қолсин” Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996. – 143б.

- давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олишга;

4. Қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли-марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа боришни таъминлашдир. Мамлакат бюджети даромад қисмининг 56 фоизи ва харажат қисмининг 52 фоизи ҳудудий бюджетлар ташкил этмоқда. Агар барча бошқарув масалалари молиявий йўл билан ҳал этилишини назарда тутадиган бўлсак, мана шу рақамлар ҳудудий ҳокимият тузилмалари ваколатларини кенгайтириш борасида қилинган ишлар салмоғини яққол кўрсатиб турибди¹⁰.

Маҳаллий бюджетлар орқали маҳаллий ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни молиявий манбалар билан таъминлаб борилади Давлат бюджети харажатларининг таркибида эса маҳаллий бюджет харажатларининг салмоғи ошиб бормоқда. Буни қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Ўзбекистон республикаси давлат бюджети харажатларида маҳаллий бюджет харажатларининг таркиби

Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил
Давлат бюджети харажатлари	100	100	100	100	100
Маҳаллий бюджет харажатлари	54,5	55,4	55,4	52,0	55,0

¹⁰ Каримов И.А. шзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Президент И.Каримовнинг иккинчи чақириқ ЎзР Олий мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2002 йил 30 август.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ушбу кўрсаткич 2010 йилда эса 54.5 фоизни ташкил этди. 2011 йилда 55,4 фоизини ташкил этган бўлса, 2012 йил якунларида маҳаллий бюджетлар харажатларининг давлат бюджети харажатларидаги салмоғи 55,4 фоизини ташкил қилди. 2013 йилда эса бу кўрсаткич 52.0 фоизни ташкил этди.

Давлат бюджети ва унинг тузилмасига кирувчи бюджетларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичлар доирасида бажарилиши учун жавобгардир. Вилоят бюджет харажатлари объектив иқтисодий категория сифатида икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан у ҳудуд халқ хўжалиги тармоқларини молиявий таъминлашга қаратилган харажатлардан иборат. Иккинчидан, бу харажатлар корхоналарнинг даромадларидан ташкил топади. Маҳаллий ҳокимият бюджет маблағларининг эгаси сифатида амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосланиб, умумий ҳажми Бюджет Кодексида белгиланадиган миқдорда пул маблағларини ажратади. Бюджет харажатларига ҳудуд ҳокимияти, маҳаллий бошқарув органлари, молия-кредит органлари тизими орқали таъсир этиш тегишли маблағларга эҳтиёж сезилган пайтдан сарф-харажат қилгунга қадар бўлган бутун давр давомида юз бериб туради. Харажатларни режалаштиришда амал қилиниши лозим бўлган қоидалардан бири-бюджет маблағларини тақсимлашда комплекс мақсадли молиялаштириш ва барча даражадаги бюджет маблағлардан самарали фойдаланишга эришиш учун пул маблағларини тақсимлашда мутаносибликка амал қилишдан иборатдир.

1.3. Глобаллашув шароитида бюджет харажатларини бошқаришни барқарорлаштириш омиллари

Маълумки, глобаллашув жараёнлари жаҳон хўжалигининг, шунингдек унинг бюджет харажатларини молиявий муносабатлар тизимида ривожланишига олиб келди ва тараққиёт учун янги, мисли кўрилмаган катта молиявий имкониятларни очиб бермоқда. Бироқ, глобаллашув жараёнини

мутлақлаштириш ва унга бир томонлама қараш ҳам тўғри эмас. Мазкур жараён ижобий жиҳатлари билан ҳам ажралиб туради. Бир мамлакатда рўй бераётган молиявий, ижтимоий-иқтисодий ларзалар муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам таъсирини ўтказиши шулардан биридир. Бу рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз жараёнларида ўз ифодасини топпоқда.

Президент И.А.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида бугунги куннинг энг долзарб муаммоси 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборат эканлигини таъкидлаб, бу инқирознинг мазмун-моҳияти, келиб чиқиш сабабларини очиб берди. “Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси ўз навбатида, республикамизда ҳам ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайишига ва у билан боғлиқ ишсизлик ҳамда бошқа салбий оқибатларни юзага келтирди”¹¹.

Молиячи-иқтисодчилар вужудга келган молиявий-иқтисодий инқироз ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни ҳаддан зиёд ортиқча эркинлаштириш сиёсати натижаси эканлигини қайд этиб, унинг ҳақиқий сабабларидан бири сифатида “кўринмас қўл билан бошқариладиган бозор” ғоясини илгари суриш орқали давлатнинг миллий иқтисодиётга ва хусусан,

¹¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 4-б.

молиявий бозорларга аралашуви асоссиз равишда чекланганлигини кўрсатмоқдалар¹².

Буни инкор этмаган ҳолда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг юзага келишида нафақат молиявий ресурслар билан реал ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги, балки бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносиблик кескин бузилиши ҳал қилувчи роль ўйнаганини алоҳида таъкидлаш лозим. Дарвоқе, пул муомаласи қонунлари иқтисодиёт соғлом ва барқарор амал қилиши учун муомалага чиқарилаётган пул массаси билан товар ва хизматлар ишлаб чиқариш реал ҳажми ўртасида муайян нисбатга амал қилинишини талаб қилади. Бироқ жаҳон ҳўжалигида етакчи давлатга эга бўлган айрим мамлакатларда, масалан АҚШда, кейинчалик кўплаб мамлакатларда мазкур қонунга риоя қилиш заифлашди, кейин эса, уни умуман эътиборга олмасликка уриндилар.

Глобаллашув жараёни жадаллашуви таъсирида халқаро иқтисодий алоқаларда қатъий валютага бўлган талаб янада кучайди. Бу эса етакчи давлатларга, АҚШга ҳеч қандай товар билан таъминланмаган пулларнинг муомалага чиқарилиш жараёнини янада тезлатиш учун катта имкониятлар яратди. Натижада бюджет харажатларидан самарали фойдаланишга таъсир этди.

Иқтисодий нашрларда баён этилаётган илмий мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда асосан ривожланган етакчи мамлакатларда кузатилган қуйидаги салбий ҳолатлар ҳам молиявий-иқтисодий инқирознинг вужудга келишига асосий сабаб, деб кўрсатилиши мумкин:

- нораціонал пул-кредит сиёсати ҳамда қайта молиялаш ставкаси сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши, қарзга яшашнинг молиявий тизим орқали рағбатлантирилиши;

¹² Зайналов Ж.Р., Хусанов Б.Ш., Раупов Д.У. - «Давлат бюджети» фанидан Ўқув-услубий мажмуа: СамИСИ, 2013. 1203 бет

- молиявий институтларда мажбуриятлар билан ўз капитали ўртасидаги мутаносибликнинг мажбуриятлар билан ўз капитали ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши;
- қимматли қоғозлар бўйича рейтинг ташкилотлари томонидан сохта хулосалар берилиши;
- молиявий аудит ва профессионал этика тамойилларининг бузилиши ва сохта аудит хулосаларининг тақдим этилиши;
- молиявий аҳволни баҳолашда сифат кўрсаткичларига эмас, балки миқдорий кўрсаткичларга асосланиш;
- бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги узвий боғлиқлик саёзланиши;
- хатар даражаси юқори ва кўп поғонали ҳосилавий қимматбаҳо қимматли қоғозларнинг вужудга келиши ва ҳоказо.

Иқтисодий нашрларда жаҳон-молиявий иқтисодий инқирози глобал тус олганлиги ва кўплаб мамлакатларда рецессия ва иқтисодий пасайиш, инвестицион фаоллик кўлами чекланиб бориши, талаб ва халқаро савдо, бюджет харажатлари реал ҳажмининг камайиши кузатилганлиги ҳамда жиддий ижтимоий талофотлар кўрилганлиги эътироф этилмоқда.

2008-2014 йилларда жаҳон миқёсида бевосита хорижий инвестициялар оқимининг пасайганлиги кузатилган. 2009-2014 йилда жаҳон ялпи ички маҳсулоти ҳам, бевосита хорижий инвестициялар кўлами ҳам, халқаро савдо ҳажми ҳам сезиларли пасайди. Бу ҳолат эса бюджет харажатларининг ортиши билан боғлиқ жиддий ижтимоий соҳаларни молиялаштириш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқарди.

Ривожланган мамлакатларда кейинги йилларда ишсизлик ўсиб бориши кузатилмоқда. Ишсизлик даражаси АҚШда 7,2 фоиз, Японияда 4,4 фоиз, Буюк Британияда 6,4 фоиз, Германияда 8,2 фоизга ўсиши кутилганди ва у шу атрофда бўлди. Бу, ўз-ўзидан ижтимоий тўловлар кўпайиши ҳисобига давлат харажатлари ўсишига олиб келади.

2005-2008 йиллар мобайнида, хусусан, АҚШ ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги айрим давлатларнинг (Қирғизистондан ташқари) ташқи қарзлари салмоғи, бюджет харажатлари миқдори ялпи ички маҳсулотларига нисбатан ортиб бориши кузатилди. Хусусан, ҳозирда ҳам АҚШ ташқи қарзларининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи қарийб 90 фоизни ташкил қилиб келмоқда. Бу кўрсаткич Россияда 37 фоизни, Қозоғистонда 102 фоизни, Украинада 64 фоизни ташкил этган. Қирғизистонда эса кейинги 3 йил мобайнида пасайиш тенденцияси кузатилиб, бу борадаги кўрсаткич 81 фоизни ташкил этмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бу борада мамлакатнинг узоқ келажагини ўйлаган ҳолда сиёсат олиб борилган. Натижада ташқи қарзларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ҳозирги кунга келиб 2005 йилдига 29 фоиздан 13,3 фоизга қадар қисқарди.

Кўплаб мутахассис ва экспертлар томонидан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози глобал тус олиши ва иқтисодий инқироз жараёнлари кучайиши оқибатида рецессия ва иқтисодий пасайиш, инвестицион фаоллик кўлами чекланиб бориши, талаб ва халқаро савдо ҳажми камайиши ҳамда кўплаб мамлакатларга таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий харажатларнинг ортиши эътироф этилди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади”¹³. Демак, Ўзбекистоннинг глобаллашув жараёнларидаги иштироки ҳам ушбу инқироз оқибатлари маълум даражада

¹³Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 4-б.

иқтисодиётимизга, у орқали бюджет харажатларига ўз таъсирини кўрсатишига олиб келди.

Молиявий-иқтисодий инқирознинг республикамиз бюджет харажатларига таъсири ривожланган ва айрим қўшни давлатлардагига караганда мазмунан фарқ қилади. Агар қатор мамлакатларда бу жараёнлар бевосита молия тизими издан чиқиши ва ишлаб чиқариш ҳажмлари кескин қисқариб кетиши, кўплаб йирик корхоналар ёпилиши орқали намоён бўлган бўлса, бизда жаҳон хом ашё бозорларида талаб сусайиши туфайли нархлар кескин пасайиши, оқибатда экспорт даромадлари камайиши, асосий савдо ҳамкорларимизнинг харид қобиляти пасайиши натижасида ташқи савдо айланмаси қисқариши ва бюджет тақчиллигининг ошиши орқали намоён бўлди.

Ҳозирда жаҳон ёқилғи бозорида юз бераётган инқирознинг Ўзбекистонга салбий таъсири ҳам кузатилмоқда, у қуйидаги омиллар туфайли жиддий тарзда юмшатилиб келинмоқда:

- маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўли танланганлиги ва бюджетдан ушбу жараёнлар билан боғлиқ масалалар ечимига кам маблағ сарфланиши;

- давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олганлиги ва унинг натижасида бюджет баланслигини таъминлашга эришиш;

- Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқлари барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги;

- оқилона ташқи қарз ва бюджет профицити сиёсатининг олиб борилиши;

- Аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индекси асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирлар ижроси қатъий йўлга қўйилганлиги;

- 2007-2014 йилларда ўзлаштирилган чет эл инвестициялари ҳажми 3,5 мартадан кўпроқ ошди. Бу ҳолат миллий иқтисодиётимиз юқори инвестицион салоҳиятга эга бўлаётганлиги ва ҳукуратимиз томонидан яратилаётган қулай инвестицион муҳит билан бевосита боғлиқлигини, бюджетдан камроқ маблағ ажратиш имкониятининг яратилиши.

Натижада 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Уларнинг 70 фоизи тўғридан-тўғри жалб қилинадиган инвестициялар улушига тўғри келади. Жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ривожланиши учун стратегик аҳамиятга эга бўлган реал секторларни модернизация қилишга йўналтирилган.

Инвестиция дастури доирасида 3,0 миллиард АҚШ долларида ортиқ хорижий инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланганлиги истикболда барқарор иқтисодий ўсиш, бюджет профицитининг кузатилиши кутилаётганлигидан далолат беради. Мазкур хорижий инвестицияларнинг 75 фоизи тўғридан-тўғри инвестициялар улушига тўғри келди. Бу эса бюджетдан ушбу жараёнга қилинадиган харажатлар ҳажмини пасайтирди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, “Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислоҳот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини кўяр эканмиз, “шок терапияси” деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик”¹⁴.

Иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг фикрларига кўра, мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳон иқтисодиётига инқироз оқибатлари аҳамиятли таъсир кўрсатадиган даражада интеграциялашмаганлиги, мамлакатимизда катта ҳажмдаги хорижий капитални ушлаб турувчи

¹⁴ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 7-б.

компания ва молиявий институлар йўқлиги, хусусийлаштириш механизми ва шарт-шароитлари натижасида деярли барча устав фондлари корхоналарнинг реал хусусий активлари билан таъминланганлиги каби ҳолатлар туфайли инқирознинг салбий таъсири у қадар катта бўлмаслиги, аксинча, ҳозирги инқироз эҳтимол тутилаётган салбий таъсирлардан ташқари биз учун ижобий таъсирларга ҳам эга бўлиши, янги имкониятларни вужудга келтириши мумкин.

АҚШ ва Европадаги инвесторлар акциялардан бош ториб, ўз активларини бўшатмоқдалар. Моҳиятига кўра, қайтадан қандайдир ишга жалб этилиш зарур бўлган ресурсларни бўшатиш жараёни бормоқда. Демак, янги бозорларни, янги имкониятларни излаш бошланади. Инвесторлар капитал киритишнинг муқобил йўллари кидирадилар. Бу эса ўз вақтида бюджет харажатлари доирасида ижтимоий-иқтисодий сиёсатни жадаллаштиришга имконият яратиб берди. Шундай мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, бюджет харажатларидан молиялаштириш объектларига асосий диққатни қаратилишига шарт-шароит яратди.

Ҳозир Ўзбекистоннинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 13,3 фоизни ташкил этмоқда. Бюджет профицити эса ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоизни ташкил этмоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг халқаро даражадаги тўлов қобилиятига эғалигини ифодалайди.

Республикамызда доимо қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечилиб, чет эл инвестициялари узоқ муддатларга, имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этилди. Натижада миллий иқтисодиётимиз халқаро кредитлар бозоридаги конъюктурага кескин боғлиқлиги ва молиявий салбий оқибатларнинг олди олинди. Бунда бюджет харажатларидан инвестицияларнинг рағбатлантириш, унга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-тадбирлар натижасида бюджетдан ижтимоий харажатларни оқилона молиялаштириш сиёсати изчил давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон шароитида давлат бюджетидан молиялаштирилган харажатларни бошқариш тизимидаги ислохотларнинг энг асосийси ғазначилик тизимини тўлиқ жорий қилишдир. Давлат бюджети ижросида фойдаланилаётган ғазначилик тизими давлат сиёсатининг устувор йўналишларига мос ҳолда давлат харажатларини самарали бошқаришга йўналтирилган чора-тадбирлар йиғиндисидан иборат. Бу чора-тадбирлар давлат бюджетининг харажатлари ижросидаги давлат харидларини амалга оширишни ҳамда жорий ва дастлабки назорат самарадорлиги бўйича долзарб масалаларни қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасининг ғазначилик тизимида давлат харидларини амалга оширишни ҳамда жорий ва дастлабки назорат самарадорлигини такомиллаштириш ва халқаро тажрибалардан самарали фойдаланишга эътибор қаратиш, ғазначилик операцияларининг назоратини такомиллаштириш муҳим вазифа этиб белгиланган.

Шу билан бирга дунёдаги кўплаб мамлакатлар сингари Ўзбекистон Республикасида давлат хариди тизимини ислох этишга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳукумат томонидан харид жараёнларини очиқ-ойдинлигини таъминлашга қаратилган, жумладан, харидни амалга оширишда тендер жараёнларидан кенгроқ фойдаланиш йўналишлари бўйича қатор ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Муҳтарам президентимиз И.А.Каримов ўз маърузаларида “...кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хом-ашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур. 2011 йилда Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига махсус ваколатлар ажратиш орқали кичик бизнеснинг давлат харидлари тизимидан фойдаланишини кенгайтириш борасида алоҳида механизмни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш, кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни харид қилиш, кўрсатилаётган иш ва хизматларга доир давлат буюртмаларини жойлаштириш бўйича очиқ

электрон тизимни босқичма-босқич жорий этиш вазифалари топширилади¹⁵», деб таъкидлаганлар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад, нафақат давлат маблағларидан фойдаланишнинг самарали ҳисоб ва назоратини ташкил этиш, балки давлат буюртмачиларининг шартномавий-ҳуқуқий тартибга риоя этиш даражасини ошириш ҳам кўзда тутилган.

¹⁵ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент. Ўзбекистон, 2010. – 35 бет.

II-БОБ. БЮДЖЕТДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИГАН ХАРАЖАТЛАРНИ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИНING АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ВА ТАҲЛИЛИ (САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ МОЛИЯ БОШҚАРМАСИ МАЪЛУМОТЛАРИ АСОСИДА)

2.1. Бюджетдан молиялаштириладиган харажатларнинг таркиби ва миқдорий ўзгариш ҳолати ва таҳлили

Бюджет харажатларидан самарали фойдаланишда давлат бюджети ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасида давлат бюджетининг ижросини назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий молия органлари амалга оширади. Бунинг учун турли даражадаги бюджетларга мақсадли жамғармаларнинг тушиши тўғрисида солиқ, божхона органларидан, мақсадли жамғармаларни тақсимловчи органлардан бюджет маблағларини олувчилардан бюджетдан ажратилган маблағларнинг тушуми ва сарфланиши тўғрисида ҳисоботлар, банклардан бюджет маблағларининг ҳаракати тўғрисида маълумотлар олинади. Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида умумлаштирилган якуний маълумотлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдими асосида Вазирлар Маҳкамасида йилнинг ҳар чорагида кўриб чиқилади.

Давлат бюджетида барча асосий молия институтлари сарфлар, турли даромадлар, давлат кредити бирлашган. Давлат бюджети давлатнинг молия ресурсларини вужудга келтириш, шакллантириш усуллари, улардан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши мақсадларида фойдаланишни белгилайди.

Ўзбекистон Республикасида ягона бюджет тизими шакллантирилган бўлиб, у икки бўғиндан иборат: республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар. Ўзбекистон Республикасидаги барча бўғинларни шакллантириш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижросини ҳисобга олиш миллий валюта-сўмда амалга оширилади.

Давлат бюджетининг асосий вазифаси давлатнинг фискал сиёсати мазмунини ва йўналишларини ўзида ифода этади. Кенгроқ маънода айтганда, давлат бюджетининг асосий вазифаси миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, иқтисодий тартибга солиш ва рағбатлантириш, ижтимоий сиёсатни молия билан таъминлаш, мамлакатнинг марказлаштирилган пул жамғармаларини вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш устидан назорат қилиш ҳисобланади.

Давлатнинг фискал сиёсатининг иқтисодий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасига таъсирини мувофиқлаштириш зарур. Чунки бюджет фақат маблағларни марказлаштириш, уларни тўплаш, жамғаришгина эмас, балки тўпланган молиявий ресурсларни оқилona сарфлашни ҳам ўзида ифодалайди. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг 2000-2014 йиллардаги таркибий тузилишини кўздан кечирадиган бўлсак, бу даврда бюджет харажатлари тузилмасида муҳим ўзгаришлар юз берганлигини кўришимиз мумкин.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг 2000-2014 йиллардаги таркиби¹⁶

Харажатлар	2000	2005	2010	2013	2014
1. Ижтимоий-маданий тадбирлар харажатлари	40,4	39,8	40,3	38,4	40,0
2. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатлари	10,4	8,5	7,5	6,9	6,6
3. Иқтисодий молиялаштириш харажатлари	9,7	8,7	8,7	11,0	12,5
4. Давлат капитал қўйилмаларни молиялаштириш харажатлари	21,3	17,9	14,4	13,6	11,7

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисоботлари бўйича муаллиф томонидан ҳисобланган

5. Давлат бошқарув органлари ва суд органларини сақлаш	2,3	2,3	2,5	3,4	3,5
6. Бошқа харажатлар	18,9	23,2	25,5	26,7	25,7

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, кейинги йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари қисқариб бомоқда. Хусусан бюджетнинг бу турдаги харажатлари 2000-2014 йиллар мобайнида кўпайганлигини кузатишимиз мумкин. Шунингдек, давлат бюджетидан иқтисодиётга харажатлар ҳамда давлат капитал қўйилмаларини молиялаштириш учун харажатлар салмоғи ҳам камайиб бораётганлиги кузатилган, лекин бошқа харажатлар салмоғи 8,2 дан 25,7% фоизгача ўсган, буни ижобий ҳол деб баҳолаб бўлмайди. Давлат бюджети харажатлари таркибида мақсадли инвестиция дастурларига йўналтирилган харажатлар салмоғи ҳам камайиб бомоқда, бу эса ташқи инвестициялар салмоғининг ортиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Давлат бюджети харажатларининг таркибий ўзгариши давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг йўналишларини ўзида ифода этади. Даромадлар манбаларининг ўзгаришига қараб харажатларни режалаштириш амалиёти мавжуд эмас, шунинг учун харажатларни режалаштириш жараёнида мамлакатнинг мавжуд иқтисодий салоҳияти ва келгуси стратегик ривожланиш истиқболлари йўналишларидан келиб чиқиб, харажатлар таркибини тузиш ва уларни оқилона сарфлаш зарур.


Агарда Давлат бюджети харажатларининг динамик ўзгаришига баҳо берадиган бўлсак, 2000-2014 йиллар мобайнида жами бюджет харажатларининг ошиб бориш тенденциясини кузатишимиз мумкин. Бу йиллар мобайнида бюджет харажатлари 465040,7 млн. сўмдан 2831500,0 млн. сўмгача ёки олти баробарга ортганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Давлат бюджети харажатлари, айниқса, 2001-2002 йилларда жадал суръатлар билан

ўсган, бу ўз навбатида, бюджетга жалб қилинадиган даромадлар ҳажмини ошишини ҳам тақозо этади.

Олдинги йилларда тўпланган тажрибалардан келиб чиққан ҳолда 2014 йилдаги Давлат бюджети харажатлари таркибий тузилишида деярли сезиларли ўзгаришлар рўй бермаган. Ўтган йили ижтимоий тадбир харажатлари салмоқли улушга эга бўлиб, ушбу соҳа харажатлари жами харажатларга нисбатан 58,8 % салмоқни эгалламоқда, аввалги йилга нисбатан бу кўрсаткич ошиши ҳам ижтимоий тадбирларга сарфландиган харажатлар катта улушга эга бўлиши назарда тутилган. Бу жорий йилда республикамизда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларига бўлган эътибор кучайиб бораётганлиги, кам таъминлаган аҳоли қатламини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолишини билдиради (-диаграмма).

Маълумки давлат иқтисодиётни тартибга солишда, унинг асосий йўналишларини белгилашда бош ислохотчилик ролини бажармоқда. Шу мақсаддан келиб чиқиб иқтисодиётга ажратиладиган маблағлар ва давлат инвестиция дастурига мувофиқ марказлаштирилган инвестиция харажатлари бюджет харажатлари миқдори кейинги йилларда ортиб бормоқда (1-диаграмма).


2014 йилда давлат бюджети харажатларининг таркиби (фоиз ҳисобида¹⁷)



Қуйида келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, иқтисодиётга харажатлар миқдори 2014 йил мобайнида 3364,9 млрд. сўмни, марказлаштирилган инвестициялар учун ажратиладиган маблағлар эса шу йили 1616,5 млрд. сўмни ташкил қилган

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

**2014 йилда иқтисодиётга ва марказлаштирилган инвестицияларга
давлат бюджетидан ажратилган маблағлар (млрд. сўм)**



Республикамизда амалга оширилаётган бюджет сиёсатидаги асосий йўналиш бюджет даромадлари ва харажатларининг бир-биридан кескин фарқланишини олдин олиш, яъни бюджет сиёсатини аниқ бир йўналтирилган тизимда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ва иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини эътиборга олиб сиёсат олиб боришдир. Бунда давлат бюджетининг харажатлар қисмини оптималлаштириш, ортиқча харажатларга йўл қўймаслик, ижтимоий зарурий соҳаларни ривожлантириш истикболларини кўзлаган ҳолда харажатларни мақсадли йўналтириш ва бу қилинаётган харажатларни келгусидаги самарадорлик кўрсаткичларини эътиборга олиш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

2.2. Бюджет тизими бўғинлари харажатларининг йўналишларини бошқаришни амалдаги ҳолати

Давлат тузилишининг зарурий омили бўлиб маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизими бўлиб ҳисобланади. Амалда маҳаллий бошқарув ва ижроия органларига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларга муайян мулкӣ ва молиявий бюджет ҳуқуқлари берилган. Бу ҳуқуқлар Самарқанд вилоят бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш, бажариш ҳамда улар бошқарувига берилган корхоналарни бошқариш ва бу корхоналардан маҳаллий даромадни шакллантириш билан боғлиқдир. Вилоят давлат бошқарув органлари молиявий тизимининг асосий таркибий қисми бўлиб маҳаллий бюджет ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексида таъкидланганидек, “Маҳаллий бюджет – Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблаглари жамгармасини ташкил этувчи бир қисми булиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратилган маблаглар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади”¹⁸

Маҳаллий бюджетлар умумдавлат иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини амалга оширишда, биринчи навбатда, давлат маблагларини тақсимлаш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Унинг вазифалари 1-чизмада келтирилган.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси. 2013 йил 26 декабр.



1-чизма. Маҳаллий бюджетларнинг вазифалари

Айтиш жоизки, ишлаб чиқарилган моддий неъматларни тақсимлаш ва аҳолига етказиш асосан бюджет харажатлари орқали амалга оширилади. Маълумки, истеъмол фондларининг асосий қисми бюджетлар орқали шакллантирилади. Бунда халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, уй-жой коммунал хизмат соҳаси билан боғлиқ асосий харажатлар маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилади.

Ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ сиёсатни давлат томонидан амалга ошириш катта миқдордаги моддий ва молиявий ресурсларни талаб қилади ва бу муҳим вазифалар маҳаллий ҳокимият органларига юклатилган. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштириш асосан маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилади.

Бюджет бўғинлари ўртасида умумдават пул маблағларини тақсимланишининг асосини, ҳудудий бюджетлар мустақиллиги, уларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши, улар даромадларини

худудий манбалар ҳисобидан шаклланиши тамойиллари ташкил этади. Кодексида эътироф этилган тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ўз даромадлари ва бошқарёладиган манбалар ҳисобидаги даромадлардан шаклланади. Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси ўз даромадлари манбалари базасини кўпайишидан манфаатдордирлар. Чунки, бу даромадлар Самарқанд вилоят ҳокимияти олдидаги вазифаларни моддий жиҳатдан молиялаштириш манбаси сифатида ва уларни мустақил сарфлаш имконини беради. Аҳоли яшаш шароитини яхшилаш, турар жой ва коммунал хизматлар билан боғлиқ харажатлар ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш маҳаллий бюджетлар харажатларининг асосий йўналишини ташкил этади.

Самарқанд вилоятида бюджетдан молиялаштириладиган соҳалар қонунчилик билан белгилаб берилган, Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 71-моддасида маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган соҳалар қуйидагича гуруҳланган:

- 1) ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари;
- 2) иқтисодиёт харажатлари;
- 3) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюртмачи бўлган марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари;
- 4) маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини сақлаб туриш харажатлари;
- 5) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармаларини шакллантириш харажатлари;
- 6) давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш харажатлари.

Самарқанд вилояти бюджети харажатларини доимо ошиб бориши, ўз маблағларини етишмаслиги сабабли, юқори бюджетдан қўшимча маблағлар ажратиш заруриятини келтириб чиқаради. Бу зарурият асосан тартибга солувчи даромадлар, яъни юқори бюджет маблағларидан бериладиган маблағлар ҳисобига бажарилади. Республикамизда маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаларини тартибга солиш мақсадида:

- қўшилган қиймат солиғидан;
- акцизлардан;
- корхоналар даромади (фойдаси)га солиғидан;
- жисмоний шахслар даромад солиғидан ажратмалар қилинади.

Самарқанд вилояти бюджетининг даромад базаларни мустаҳкамлашда улар ихтиёрига берилган маҳаллий солиқ ва йиғимлар бўйича тадбирлар муҳим ўрин тутди.

Вилоят бюджетлар маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ташкил этиш ва бошқаришда мустақил бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқарилган тегишли меъёрий ҳужжатлар доирасида фаолият юритади. Маҳаллий бюджетлар амалиётидаги муҳим хусусият Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексида белгиланганидек, маҳаллий бюджетлар тақчиллигига йўл қўймаслигидир. Давлат молия сиёсатида маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларининг баланслиги республика бюджети субсидиялари орқали кафолатланмоқда.

Бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш ва бошқариш тизимида маҳаллий бюджетлар риоя қилиши лозим бўлган муайян чекланишлар мавжуд. Улар бюджетлараро муносабатларни ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга. Маҳаллий бюджетлар учун:

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилмаган манбалар ҳисобига ўз бюджетларини тўлдириш ёки мақсадли фондлар ташкил этиш;
- бюджет ссуддаларидан ташқари бошқа ҳар қандай қарз маблағларини жалб қилиш;

- бюджет қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатларда ўз бюджет харажатларининг тасдиқланган ажратмалардан ортиб кетишига йўл қўйиш;
- бюджет маблағлари ҳисобидан бошқа шахслар фойдасига молиявий кафолатлар ва кафиликлар бериш;
- юридик ва жисмоний шахсларга бюджет ссудаларини бериш тақиқланади.

Самарқанд вилояти бюджетининг давлат бюджет сиёсатидаги тутган ўрни маҳаллий бюджетлар даромадларини ташкил этиш ҳамда унинг таркибини белгилашда молиявий асос ҳисобланади. Самарқанд вилояти бюджетининг мавқеини янада ошириш ҳукуматнинг бюджет сиёсатини самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган муҳим омил эканлиги аҳамиятга моликдир.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти фикр-мулоҳазалари диққатга сазовордир: «Давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш зурур. Бу эса минтақалар мустақиллигини ошириш, уларнинг ташаббускорлигини, бюджетнинг ижросидан манфаатдорлиги ва бу борадаги масъулиятини ошириш имконини беради. Бундан ташқари, бу нарса маҳаллий бюджетларга тушумларни янги манбаларини қидириб топишга рағбатлантиради, жойларда бюджет интизомини мустаҳкамлайди»¹⁹. Самарқанд вилояти бюджети даромадларининг давлат бюджети даромадларидаги салмоғи қуйидаги жадвал маълумотларида яққол намоён бўлади (4-жадвалга қаралсин).

¹⁹Каримов И.А. Ўзбекистон
Ўзбекистон, 1995. -208б.

иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т.:

4-жадвал**Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларида
маҳаллий бюджет харажатларини улуши²⁰**

(фоизда)

Кўрсаткичлар	Давлат бюджети харажатлари	Маҳаллий бюджет харажатлари
2010	100	54.5
2011	100	55.4
2012	100	55.4
2013	100	52.0
2014	100	55.0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида маҳаллий бюджет харажатлари кейинги йилларда занжирли равишда ўсиб борган. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида маҳаллий бюджетнинг даромадлари давлат бюджети даромадларига нисбатан анча илдамроқ ошган, яъни 2010 йилда маҳаллий бюджетлар даромадлари 574781,9 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 829958,0 млн. сўмни ташкил қилган. 2012 йилда бу кўрсаткич 1042148,0 млн. сўм бўлиши режалаштирилди. Лекин шундай бўлишга қарамасдан маҳаллий бюджет даромадларининг давлат бюджетидаги салмоғи фоизларда сезиларсиз ошганини кўришимиз мумкин. Олиб борилган таҳлиллар шундан далолат берадики, маҳаллий бюджет харажатлари учун зарурий даромадлар доимо бюджетнинг юқори бўғини ёрдамида барқарорлаштириб турилади.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов маърузасида баён қилинган талаблардан келиб чиққан ҳолда, 2015 йил иқтисодий ва ижтимоий ҳаётни янада эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланди, жумладан, солиқ-бюджет соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш, давлат харажатларини сарфлаш механизмини мақбуллаштирган ҳолда уларни қисқартириш лозим эканлиги қайд этилди. Маълумки, маҳаллий молия-давлат молия тизимининг муҳим бўғини ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллий бюджетларга эътибор янада кучаймоқда. Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Республикамиздаги иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг ривожини маҳаллий бюджетлар харажатлари қисмида ўзининг ёрқин ифодасини топади.

Самарқанд вилояти бюджетининг мавқеи янада ошириш ҳукуматимизнинг бюджет сиёсатини самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган муҳим омил эканлиги шубҳасиздир, бу борада уларни янада қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилинмоқда. Албатта, қабул қилинган ижтимоий дастурларни, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини аниқ тарзда қўллаб-қувватлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, дастурларини рўёбга чиқариш асосида аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг таъсирчанлиги ва аниқ тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтиришда маҳаллий бюджетларнинг аҳамияти катта.

2.4. Бюджетдан молиялаштириладиган харажатларнинг таркибий тузилишини белгиловчи вазифалар

Бюджетдан амалга ошириладиган харажатлар, энг аввало, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун турли тармоқларга инвестиция қилиш учун мўлжалланган, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш учун

режалаштирилган, ижтимоий вазифаларни бажаришга ажратилган, давлатни бошқариш, муҳофафиз таъминлаш каби аниқ мақсадларга қаратилган харажатлардан иборат бўлади. Умумдавлат харажатлари бюджет орқали молиялаштирилиши давлат ваколатли органлари вазифасига киради.

2-диаграмма


Табиий ресурслар, сармояни жамғариш билан бирга инсон капиталига сарфланган маблағ – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, мутахассисларнинг малакасини ошириш, соғлиқни сақлаш, маориф, касбни ўзгартириш, илмий тадқиқотларга сармоялар йўналтириш иқтисодий юксалишнинг энг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади. Бунга аҳоли сони ўсишининг юқори суръатлари ва аҳоли таркибида ёшларнинг катта улушини ташкил этиши бюджетдан ижтимоий соҳадаги муассасаларга маблағлар сарфлаш кўрсаткичига таъсир қилади.

Давлатимиз ҳар йили ижтимоий соҳа эҳтиёжлари учун таълимнинг устуворлигини таъминлайдиган миқдорда маблағ ажратилишини қафолатлайди.

Инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан вазифанинг ижобий ҳал этилиши айнан ижтимоий-маданий соҳалар тараққиётига боғлиқдир. Шунинг назарда тутган ҳолда, ҳозирги кунда мамлакатимизда ижтимоий соҳа харажатлари асосан маҳаллий бюджетлардан молиявий таъминланмоқда. Ижтимоий-маданий тадбирларни ўтказиш ва бюджет ташкилотларининг алоҳида харажатларнинг белгиланган меъёрларга асосан молиялаштириш ижтимоий- маданий тадбир харажатлари, аввало, лойиҳа параметрларига киритилади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларининг лойиҳа параметрларида кам таъминланган болали оилаларга тўланадиган нафақалар ва аҳоли учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматлар учун фарқли бюджетдан қоплаш билан ифодаланади.

Ижтимоий-маданий соҳалар иқтисодиётнинг катта бир бўлаги ҳисобланади, жамият ва унинг аъзоларига номоддий хусусиятдаги хизмат кўрсатиш вазифасини амалга ошириш билан шуғулланади. Улар бир қанча

шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Фуқароларнинг ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқлари асосий қонунимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кафолатланади. Ижтимоий ёрдам тизимини ҳуқуқий асосда барпо этиш ва бу борадаги қонунларни ижро этилишини молиявий таъминлаш бозор иқтисодиёти шароитида муҳим вазифалардан бири ҳисобланади (2- чизма)



2-чизма. Ижтимоий соҳа харажатларининг таркиби.

Маҳаллий бюджетлар харажатларининг кейинги йилларда ўсиб бориши уларнинг давлат бюджетидаги салмоғини ҳам ошиб боришига олиб келган, буларнинг сабабини асосан 1995 йилдан бошлаб маҳаллий бюджетлар томонидан олдинги йилларда республика бюджети ҳисобидан

молиялаштириб келинган таълим харажатлари – яъни ўрта махсус ўқув юртлари харажатларини молиялаштирилишини ортиши, давлат капитал қуйилмаларининг маҳаллий бюджетлардаги ҳажмини ортиб бориши ҳисобига ҳамда аҳолини ижтимоий химоялашга қаратилган тадбирлар харажатларини сезиларли даражада ўсганлиги билан изоҳлаш ўринлидир.

Республикамизда бюджет тизимида олиб борилаётган ўзгаришларнинг марказида маҳаллий бюджет даромадларини ошириш, маҳаллий бюджет имкониятларини кенгайтириш ҳамда маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган иқтисодий-ижтимоий соҳа харажатларини ўз вақтида молиялаштириш масалалари туради.

III-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА БЮДЖЕТДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИГАН ХАРАЖАТЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни самарали ташкил этишда бюджет тақчиллигининг таъсири

Бозор иқтисодиёти шароитида Самарқанд вилояти молия органларининг асосий вазифаси бюджет харажатларини оқилона ташкил этиш ва ундан мақсадли фойдаланиш бўлиб ҳисобланади. Молия органлари иқтисодий тизимнинг фаолиятига муҳим тавсифни йиғма ҳолда беришда давлат бюджетининг сальдосини абсолют сумма ва нисбий даражаси ЯИМ нисбатан ҳисобланган кўрсаткичлардан фойдаланилади. Агар сальдо мусбат бўлса, давлат бюджети фаол, манфий бўлса тақчилли бюджет дейилади.

Бизга маълумки, харажатларнинг даромадлардан ошиб кетиши бюджет тақчиллигини келтириб чиқаради. Ҳозирги шароитда Самарқанд вилоят бюджети профицитли бўлса-да, дефицит каби мураккаб иқтисодий воқеликни юзага келтириш мумкин бўлган ҳолатларни ўрганишни муҳим деб топдик. Шу боис ушбу кўрсаткичга ойдинлик киритиш мақсадида бюджет даромадлари ва харажатлари ҳамда бюджет тақчиллиги ўртасида ўзаро узвий боғлиқлик мавжудлигини, бу бюджет ижроси жараёнида ва мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг йўналишларига қараб турли даражада намоён бўлишлигини ўрганиш муҳимдир.

Давлат бюджет тақчиллигига таъсир этувчи турли хилдаги макроиқтисодий омиллар орасидан унга бевосита таъсир этувчи омилларни ва билвосита таъсир этувчи омилларни ажратиб олиш муҳимдир. Бюджет тақчиллигини таърифига харажатларнинг даромадлардан кўп бўлиши сифатидаги макроиқтисодий ёндашув бюджет тақчиллигига таъсир этувчи омилларни бюджет даромадларига таъсир этувчи омилларга ва бюджет

харажатларига таъсир этувчи омилларга бўлишни назарда тутди. Ушбу таърифдан келиб чиқиб, қуйидагиларни таъкидлашимиз мумкин бўлади:

- бюджет тақчиллиги харажатлар билан даромадлар ўртасидаги маълум муносабатларнинг натижаси бўлиб ҳисобланади. Даромадлар ҳам харажатлар ҳам бир неча омилларга боғлиқ бўлади. Харажатлар йўналтирилиши жиҳатидан шартли рившда уч қисмга бўлинган бўлади (давлат харидлари, ижтимоий трансфертлар, қарзларни тўлаш харажатлари), даромадлар эса иккитага (солиқлардан тушум, бошқа даромадлар)га бўлинади;

- бюджетнинг харажат ва даромад қисмларининг ҳар бир моддаси макроиқтисодий омилларнинг таъсири остида деб қаралади. Шунинг таъкидлаш лозимки, баъзи омиллар ҳам даромад ҳам харажат қисмида бўлади. Хусусан, маҳсулот ҳажми (V) давлат харидлари омили ҳамда бюджет тушумлари омили сифатида қаралади; ишсизлик даражаси (U) ижтимоий харажатлар ва бир вақтнинг ўзида реал маҳсулот омили сифатида қаралади; нархлар даражаси (P) давлат харидлари ва солиқ тўловлари омили сифатида қаралади.

Юқорида келтирилганларда барча таъсирлар ҳисобга олинганлиги, бюджет тақчиллигини улар асосида тўла тушунтириш мумкинлиги тўғрисида мунозаралашиш мумкин. Бундай моделда барча таъсирлар ҳисобга олинмаган бўлиши тушунарлидир. Буни ҳар қандай модел ҳам ўз диққатини маълум бир нарсада тўхтатиши, бошқа нарсалардан абстрактлаши лозимлиги билан оқлаш мумкин.

Омилларни танлашда биз қуйидаги меъёрлар билан ёндашдик:

- ҳамма томондан тан олинган классик бюджет тақчиллиги ҳажмини белгиловчи, масалан реал маҳсулот, солиқ ставкалари ёки давлат харидлари каби омилларни ҳисобга олиш;

- даромадлар дифференциацияси даражасининг ўсиши, инқирозли пасайиш даврида реал маҳсулотнинг потенциал маҳсулотдан фарқ қилиши, бюджет тушумларининг ўзига хос туркиби, инфляциянинг мавжудлиги каби

ўтиш иқтисодиёти хусусиятларини ўзида акс эттирган омиллар таъсирини ҳисобга олишнинг мақсадга мувофиқлиги.

Қуйида ушбу модел бўйича турли макроиқтисодий омиллар билан бюджет сиёсати орасидаги боғланишларни кўриб чиқамиз.

Давлат харидлари ҳамда реал маҳсулот (Y) ўртасидаги боғлиқлик модели. Кўплаб мамлакатларда, хусусан, ривожлаган мамлакатларда қуйидаги боғланишни кузатиш мумкин: реал маҳсулотнинг умумий ҳажми ошганда давлат харидлари ҳажми ҳам ортади ва ушбу харидлар реал маҳсулотга қараганда тезроқ ортади. Ушбу боғланиш Вагнер қонуни номини олган. Давлат харидларининг реал маҳсулотга нисбатан тезроқ ошишига сабаб, давлат хизматлари (давлат харидларини талаб этувчи) – юқори сифатли товардир. Бундай хизматлардан келадиган даромадларга бўлган талабнинг эластиклиги (E), ҳар қандай юқори сифатли товар учун бўлгани каби бирдан катта бўлади, яъни $E > 1$ ²¹.

Шунинг учун

$$MG > MY(dG/dY > 1),$$

бу ерда MG – пировард харажатлар, MY – пировард даромад (маҳсулот).

Бунинг аксини эса тўғри деб бўлмайди, яъни даромадлар камаядиган бўлса давлат харидлари доим ҳам камаявермайди. Ўтиш иқтисодиётидаги давлат тажрибаси шуни кўрсатадики, давлатнинг даромадлари даражаси камайса давлат аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазифасини бажариши керак бўлади. Бунда давлат ҳеч қачон аҳолининг даромад пасайиши туфайли йўқотишларини турли сабабларга кўра, масалан нархларнинг инфляция туфайли ошиши сабабли, тўлиқ қопламайди ($MG < MY$) Y ва G орасидаги боғланишлар бўйича қуйидаги гипотезани айтиш мумкин:

²¹ Линцов И.В. Дефицит государственного бюджета и его социально-экономические причины в Украине мавзуида курс иши, 2000, интернет маълумотлари.

- реал маҳсулот кўпайганда (амалда фаровонлик ошганда) давлат харажатларининг кўпайиши давлат хизматлари сифатини яхшиланиши ва давлат харидларининг ошиши билан ифодаланади, яъни:

$$Y \uparrow \rightarrow PG \uparrow \rightarrow G \uparrow (MG > MY);$$

- реал маҳсулот ҳажми камайганда (фаровонлик даражаси пасайганда) давлат харажатларининг кўпайиши ижтимоий трансфертлар ҳисобига ошиши мумкин, яъни:

$$Y \downarrow \rightarrow IT \uparrow \rightarrow G \uparrow (MG < MY);$$

Давлат харидлари, нархлар ўзгариши (P) ва харидлар ҳажми (Qg). Давлат харидлари, нархлар ўзгариши ва харидлар ҳажми орасидаги асосий формула қуйидагича ифодаланиши мумкин:

$$PG = P * Q^g.$$

Бу ердан қуйидаги келиб чиқади: $P \uparrow \rightarrow PG \uparrow \rightarrow$; $Q^g \uparrow \rightarrow PG \uparrow$.

Давлат харидларининг таркиби давлат бюджети харажатларининг расмий тавсифига асосан аниқланади.

Давлат қарзлари бўйича фоизлар ва қарзларни тўлаш. Бюджет тақчиллиги, давлат қарзи ва қарзларни тўлаш бўйича фоизлар орасидаги боғланиш қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$(G_n - T_n) - i * D_n^g = D_n^g - D_{n-1}^g.$$

бу ерда D_n^g ва D_{n-1}^g - олдинги ва жорий давлат қарзлари;

$i * D_n^g$ - олдинги қарзлар бўйича қарзлар фоизларини тўлаш бўйича фоизлар;

$G_n - T_n$ – Давлат бюджети қолдиғи.

Келтирилган формула қуйидагича иқтисодий маънога эга бўлади:

- тақчилликни қоплаш манбаи бўлиб (формуланинг ўнг қисми) давлат қарзи ҳисобланади;

- бюджет қолдиғи $G_n - T_n$ давлат қарзини кўпайтиради, қарзлар бўйича фоизларни тўлаш эса бюджет тақчиллигини кўпайтиради.

Агар тақчиллик давлат қарзи ҳисобига молиялаштирилса, қарзни тўлаш бўйича харажатларни ошишини ва ушбу омилга боғлиқ равишда бюджет тақчиллигини кўпайишини кутиш мумкин:

$$G_0 - T_0 \uparrow \rightarrow D_g \uparrow \rightarrow (i D_g) \uparrow \rightarrow (G_1 - T_1) \uparrow$$

Миллий валюта курси ва бюджет тақчиллиги. Миллий валюта курси давлат қарзларини тўлаш бўйича харажатлар ҳажмига таъсир этувчи омил сифатида қаралади, чунки миллий валюта курсини пасайиши олдинги фоиздаги ташқи қарзни тўлаш учун миллий валютада кўпроқ пул маблағларини талаб этади:

$$q \uparrow \rightarrow i^d \uparrow \rightarrow D^g \uparrow$$

Миллий валюта курсини ўзгаришининг бюджет тақчиллигига таъсири бошқача кўринишда ҳам бўлиши мумкин. Хусусан, курс давлат бюджети тушумига таъсир этиши мумкин. Маълумки, курснинг ўсиши мамлакатнинг экспорт салоҳиятини камайтиради (соф экспортнинг камайиши), яъни экспортни солиққа солишдан тушадиган тушумлар камаяди. Шунингдек, курснинг ўсиши ёки унинг пасайишдан кейин барқарорлашуви нархларни ўсишини чеклаб қўйиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида маҳсулотларни сотилишига, бундан келиб чиққан ҳолда нархлар даражасига боғлиқ бўлган эгри солиқлардан бюджетга тушумларни камайишига олиб келади.

Барқарор ва ўсаётган валюта курсининг бюджет тақчиллигига нисбатан ижобий натижаси ички барқарорлашувга, ишлаб чиқариш ҳажмини

ортишига, даромадларни кўпайишига ва, шундай қилиб, бевосита солиқлар базасини ошишига олиб келишини кузатиш мумкин.

Реал маҳсулот ҳажми ва бюджет тақчиллиги.

Y ва D^B орасидаги боғлиқлик қуйидаги формула билан (бюджет функцияси) ифодаланиши мумкин:

$$D^B = G - T = G - t \cdot Y$$

Бу ерда t – солиқ ставкаси,

Бу ердан: реал маҳсулот қанча кўп бўлса бюджет тақчиллиги шунча кам бўлади: $Y \uparrow \rightarrow D^B \downarrow$.

Реал маҳсулотнинг бюджет тақчиллигига таъсири биринчи навбатда реал бюджет харажатлари билан боғлиқ бўлади. Бундан ташқари реал маҳсулотнинг бюджет тақчиллигига таъсири солиқлар ўзгариши билан ҳам боғлиқдир. Ушбу боғлиқликларни қуйидагича ифодалаш мумкин. Агар $(G - T) = D^B - tY$ тенглик тўғри бўлса, у ҳолда:

D^B % ўзгариши = G % ўзгариши - % (Y ўзгариши $\times t$ ўзгариши), яъни тақчилликнинг ўзгариши давлат харажатларини ўзгаришидан солиқдан тушадиган тушумни ўзгаришини айиришдан ҳосил бўлади.

Меҳнат ресурсларининг бандлиги камайганда (ишсизлик кўпайганда) солиққа тортиш базаси ва бюджетга тушумлар камаяди. Бюджет тақчиллиги ва бандлик орасидаги боғлиқлик «яширин» бюджет профицити тушунчаси орқали тушунтирилиши мумкин. Ушбу тушунчанинг қуйидаги талаблар (тамойиллар) орқали тушунтириш мумкин бўлади:

а) нотўлиқ бандлик шароитида бюджет баланслаштирилса, нисбатан ортиқча солиққа тортиш пайдо бўлади, унинг ортиқчалиги давлат харажатлари даражасига нисбатан кўринади;

б) солиқ ставкалари фақат тўлиқ бандлик шароитидагина бюджетни баланслаштирадиган даражада белгиланиши лозим бўлади.

Лаффер эгри чизиғи маълум бўлганидан кейин солиқ ставкаларини фақат маълум чегараларгача ўсиши бюджет тушумларини кўпайтириш манбаси бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги қараш классик қараш бўлиб қолди. Ушбу чегарадан кейин солиқ ставкаларининг оширилиши бюджет тушумларини камайишига олиб келади.

Пул массаси ва нархлар динамикаси ҳамда бюджет тақчиллиги. «Бюджет тақчиллиги инфляция сабабчиси бўлади» деган қоида кўпчилик томондан қабул қилинган. Бунга тескари бўлган боғлиқликни ҳам аниқлаш муҳимдир: инфляция бюджет тақчиллигига қандай таъсир этади. Бюджет тақчиллиги фақат маълум шароитлардагина, айнан бошқа имкониятлар қўллаб бўлинганидан кейингина инфляцияни келтириб чиқариш мумкин. Бундай имкониятлар қаторига ички қарзлар в Марказий банк захираларидан фойдаланиш киради. Пул таклифини кўпайтириш натижасида бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг янги манбаи ҳосил бўлади. Бу қуйидаги формула билан ифодаланиши мумкин²²:

$$D_b = \frac{\bar{P}}{1 + \bar{P}} * \left(\frac{M}{P} \right)$$

бу ерда $\bar{P} = \frac{P_n - P_{n-1}}{P_{n-1}}$ - инфляция даражаси;

$\frac{M}{P}$ - реал пул қолдиқлари. Ушбу формуланинг иқтисодий маъноси

қуйидагича:

а) бюджет тақчиллиги инфляцион солиқ орқали молиялаштирилиши мумкин;

б) солиққа тортиш базаси бўлиб аҳоли қўлидаги реал пул қолдиқлари $\frac{M}{P}$

ҳисобланади, солиқ ставкаси эса $\frac{\bar{P}}{1 + \bar{P}}$ га тенглашади;

²² И.В. Линцов, «Дефицит государственного бюджета и его социально-экономические причины в Украине» мавзусида курс иши, 2000 й. Интернет маълумотлари.

в) реал тақчилликнинг маълум бир қийматида, пул қолдиқлари қанча кам бўлса бюджет тақчиллигини молиялаштириш учун шунча катта инфляция даражаси талаб этилади.

Пул таклифини кўпайтириш орқали маълум инфляция даражасига йўл қўйиш билан ҳукумат бюджет тақчиллигини молиялаштирадиган қуйидагича инфляцион солиқ олади²³:

$$\left[T_1 \frac{P_n - P_{n-1}}{P_{n-1}} \left(\frac{M}{P_n} \right) \right]$$

Лекин инфляцион солиқ билан амалга ошириладиган инфляция даражаси ва бюджет тақчиллиги орасидаги боғлиқлик ($\bar{P} \uparrow \rightarrow T_i \uparrow \rightarrow D^b \downarrow$), фақат инфляция даражаси аҳоли пул захираларини камайишидан тезроқ бўлган вақтларда бўлиши мумкин. Маълумки инфляция даврида аҳоли пул захираларидан қутулишга ҳаракат қилади. Пул маблағлари захиралари камайиши тезлиги инфляция даражасидан ошиб кетса инфляцион солиқ камаяди ва бюджет тақчиллиги кўпаяди.

Бундан келиб чиққан ҳолда, агар:

$$\frac{\Delta M \left(\frac{M}{P} \right)}{\Delta M * \bar{P}} >, \text{ у ҳолда } \bar{P} \uparrow \rightarrow T_i \uparrow \rightarrow D^b \downarrow$$

ва агар:

$$\frac{\Delta M \left(\frac{M}{P} \right)}{\Delta M * \bar{P}} <, \text{ у ҳолда } \bar{P} \uparrow \rightarrow T_i \uparrow \rightarrow D^b \uparrow$$

Бу ерда ΔM -М нинг ўзгариши.

Инфляциянинг солиқ орқали бюджет тақчиллигига яна бир таъсири Оливер-Таган қондасида ўз аксини топган. Бу қондага кўра, агар мамлакат

²³ И.В. Линцов, «Дефицит государственного бюджета и его социально-экономические причины в Украине» мавзусида курс иши, 2000 й. Интернет маълумотлари.

солиқ ставкаларини тўғрилаш тизимига эга бўлмаса, инфляция туфайли бюджет тушумлари солиқдан қочиш йўллари мавжуд бўлганлиги сабабли камаяди. Нархлар ошганда ва солиқ ставкалари ўзгармай қолганда реал солиқ тушумлари камаяди. Ушбу қоида қуйидаги схема орқали акс эттирилиши мумкин:

$$D_b \uparrow \rightarrow \bar{P} \uparrow \rightarrow T_{\text{реал}} \downarrow \rightarrow D^b \uparrow$$

Шундай қилиб, инфляцион солиқ - инфляция даражасини маълум қийматида давлат олиши мумкин бўлган ва пул маблағлари эгаларининг капиталини йўқотишга тенг бўлган фойдадир. Ушбу йўқотиш пул таклифи кўпайтирилганда бўлади.

Бюджет тақчиллиги ва кўп сонли макроиқтисодий омиллар орасидаги боғлиқлик таҳлили кўп омилли таъсирлар мавжудлигини тасдиқлайди. Бюджет тақчиллиги кўрсаткичини асослаётганда комплекс омилларини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси бюджети тақчиллигининг нисбий қиймати ҳақидаги расмий маълумотларга асосан, йилдан-йилга камайиб борган, уни бошқариш сифати ва таркиби унча катта ўзгаришларга учрамаган. Қуйидаги жадвалда 2000, 2001, 2002 йиллар давомидаги бюджет харажатлари, даромадлари ва бюджет тақчиллиги тўғрисида умумий маълумотлар келтирилган. Илова қилинаётган жадвалларда ушбу маълумотлар тўлиқ берилган.

5-жадвал

2000-2005 йиллар²⁴ мобайнидаги бюджет харажатлари, даромадлари ва тақчиллиги тўғрисидаги маълумот²⁵ (млрд. сўмларда)

²⁴ Бюджет тақчиллиги қайд этилган йиллардаги маълумотлардан фойдаланиш асос қилиб олинди. 2006 йилдан ҳозирги кунга қадар бюджет тақчиллиги қайд этилмаган.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2000-2005 йиллардаги маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Йиллар	Бюджет даромадлари	Бюджет харажатлари	Бюджет тақчиллиги	
			Миқдори	ЯИМ нисбатан %
2000	910,9	942,7	31,8	1,7
2001	1706,4	1750,3	43,9	1,5
2002	2518,2	2573,5	55,3	1,0
2003	2342,1	2376,9	34,8	0,4
2004	2750,9	2743,2	+7,7	1,0
2005	3310,8	3464,1	153,3	1,0

Юқорида келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, бюджет тақчиллиги мутлақ суммаси йилдан-йилга ошиб борган, унинг нисбий суммаси эса аксинча, йилдан-йилга камайиб борган. Бу эса Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан қаттиқ бюджет сиёсати юритилаётганлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси бюджет даромадлари таркибидаги улуши қуйидаги жадвалда кўринади.

6-жадвал

2009-2014 йилларда бюджет даромадлари таркиби тўғрисидаги маълумот²⁶ (Мақсадли фонд даромадларисиз, млрд. сўмда)

Йил-лар	Тўғри солиқлар	Эгри солиқлар	Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	Бошқа даромадлар
	%	%	%	%
2009	25,5	45,5	10	19
2010	28,5	51,8	9,3	10,4
2011	27,1	54,6	7,5	10,8

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

2012	26,4	57,8	9,5	4,6
2013	26,5	56,0	11,5	4,3
2014	26,2	49,2	19,0	4,1

Жадвалдан кўриниб турибдики, эгри солиқларнинг умумий даромадлардаги улуши йилдан-йилга ошган ва ушбу солиқларни йиғилиши сифати яхшиланганлигини, бу борада олиб борилаётган ишлар ўз натижасини бераётганлигини кўриш мумкин. Тўғри солиқлар 2009 йилга нисбатан 2011 йили кўпайган, бироқ 2012 йили 2011 йилга нисбатан унинг нисбий қиймати камайган. Бу мамлакатдаги умумиқтисодий ҳолат билан изоҳлаш мумкин деб ўйлаймиз.

Харажатлар ва уларнинг давлат бюджети харажатларидаги улуши куйидагича:

7-жадвал

**2009-2014 йилларда бюджет харажатлари таркиби тўғрисидаги
маълумот (Мақсадли фонд харажатларисиз, млрд. сўмда)²⁷**

Йил- лар	Ижтимоий соҳа	Ижтимоий ҳимоя	Марказлашга н инвестиция ва иқтисодиётга	Суд ва давлат органлари	Бошқа харажатлар
	%	%	%	%	%
2009	35,8	7,6	29,4	2,5	24,7
2010	37,9	7,7	26,9	2,2	25,3
2011	38	7,5	27,2	2,1	25,2
2012	38,4	7,7	25,6	2,5	25,8
2013	40,0	7,6	24,3	2,5	25,6

Харажатларнинг нисбий улушлари охирги уч йил давомида деярли ўзгармаган. Ижтимоий соҳа харажатлари 2009 йилдаги 25,8 фоиздан 2011 ва 2012 йиллардаги 38,0 фоизгача кўпайган. Марказлашган инвестициялар ва иқтисодиётга қилинган харажатлар улуши эса аксинча, камайиб, 2009

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

йилдаги 29,4 фоиздан 2012 йилдаги 27,2 фоизга тушган. Бошқа харажатларнинг улуши деярли ўзгармай қолган. Бу ҳам бизнинг иқтисодиётимизда охириги йилларда барқарор ҳолат юзага келганлигини чуқур ўзгаришлар, ғавқулодда ҳодисалар ва бюджет харажатлари пропорционаллигини катта миқдорда ўзгартирувчи бошқа воқеалар юз бермаганлигини кўрсатади.

Изданишлар шуни кўрсатадики, давлат бюджети харажатлари таркибининг ўзгариши даромадларнинг турли манбаларини кидириб топишни тақозо қилмоқда. Бунда асосий эътибор самарасиз харажатлардан воз кечиб, ижтимоий йўналтирилган харажатларни кўпайтиришга қаратилади.

3.2. Бюджетдан ижтимоий соҳаларни молиялаштириладиган харажатларни самарали бошқаришни устувор йўналишлари

Республикамизда ижтимоий ёрдам тизимини ҳуқуқий асосда барпо этиш ва бу борадаги қонунларнинг ижро этилишини таъминлаш бозор иқтисодиёти шароитида муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқлари Асосий қонунимиз - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси орқали тўла қафолатланди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясида ижтимоий соҳаларни ривожлантириш ва аҳолининг кенг қатламларини, энг аввало унинг ночор гуруҳларини ижтимоий молиявий ҳимоялашни таъминлаш чора-тадбирларини кўриш зарур деб қаралди, чунки мамлакатдаги ижтимоий барқарорликка давлат ижтимоий сиёсатининг йўналишлари орқали эришилиши маълумдир.

Дарҳақиқат, «Миллий даромадни қайта тақсимлаш давлат кўлидаги энг асосий манба ва воситадир. Швеция, Германия, Австрия ва бошқа бир қатор ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики,

кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уни кафолатлашнинг кучли, таъсирчан механизми бўлгандагина бозор иқтисодиётига собитқадамлик билан ўтишни таъминлаш, таркибий қайта қуришни амалга ошириш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш мумкин²⁸».

Ижтимоий барқарорлик деганда, ижтимоий-иқтисодий тизим барқарорлиги, шахснинг иқтисодий талаблари ижтимоий-иқтисодий тизимлар доирасида қондирилишининг барқарорлиги, атроф-муҳит, экологик шарт-шароитлар жамият манфаатлари билан мослигининг барқарорлиги, жамиятда шахснинг ижтимоий тараққиёти барқарорлиги тушунилади.

Соҳибқирон «Амир Темур тузуклари»да шариат қонунларига риоя қилиш асосида давлатни идора қилишнинг 12 тамойили берилган, жумладан, фуқароларнинг аҳволидан хабардор бўлиш, тинчликни ва осойишталикни, ободончиликни авж олдириш Амир Темур давлатининг бош хусусияти бўлган.

Амир Темур таъкидлаганидек, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ, миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Айтмоқчимизки, республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш - шунчаки мақсад эмас, у - инсон учун, унинг ҳаёти фаровон бўлиши, манфаатлари ва эҳтиёжлари рўёбга чиқишига шароит яратиш мақсадида амалга оширилди. Бозор ҳар қанча ўз-ўзини бошқариш имкониятига эга бўлмасин, у ана шу ғоят мураккаб муаммоларни ҳал қилишга қодир эмас, бунинг учун кучли ижтимоий сиёсат зарур бўлади.

Бу ижтимоий сиёсатнинг республикамизда алоҳида аҳамиятга эга эканлиги фақат иқтисодий вазиятларагина боғлиқ эмас, балки соғлом авлодни тарбиялаш ҳақида, кўп болали ўзбек оиласига мадад бериш ҳақидаги ғамхўрлик ҳамда халқнинг миллий қадриятларига асосланган ҳолда

²⁸ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон, 1992, 47-48 бет.

кексаларга, ҳимоясизларга меҳр-мурувват кўрсатиш эҳтиёжи билан боғлиқдир.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида бюджетнинг ижтимоий йўналтирилган харажатларини қоплаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини кучайтириш ва кенг қўламли ижтимоий дастурларни маблағ билан таъминлашни унинг манбалари билан оқилона уйғунлаштириб боришни тақозо этади.

Истиқлолнинг дастлабки мураккаб, иқтисодий танглик йилларида одамларнинг турмуш даражасини мўътадиллаштириш мақсадида, ижтимоий ҳаётни давлат йўли билан бошқаришнинг кўпдан-кўп усуллари ва услубларидан фойдаланилди. Жумладан, иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар миқдори оширилди, компенсация тўловлари тарзидаги бевосита пул тўловлари, имтиёзлар ва турли дотациялар шаклидаги тўловларни жорий қилиш усуллари кенг қўлланилди.

Давлат молияси воситасида ночор ижтимоий қатламлар, ўзига боғлиқ бўлмаган равишда ўз-ўзини таъминлай олмайдиган фуқаролар махсус ташкил этилган жамғармалар ҳисобидан, шунингдек, ишсизлик нафақалари, болалар учун нафа-алар, ногиронлик пенсиялари билан таъминланади.

Молия воситасида аҳолининг маълум қатламларини фаол ҳимоя этиш билан бирга, жами аҳолининг соғлиғини сақлаш, умумий таълим, атроф-муҳитни соғломлаштириш каби харажатлар давлат бюджети томонидан молиялаштирилади.

Давлатнинг ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган харажатлари фақат ижтимоий эмас, балки иқтисодий аҳамиятга эга бўлади, жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ёрдам беради, чунки давлат амалга ошираётган, аҳолининг ҳамма қатламлари манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий фаолият натижалари ижтимоий соҳа орқали рўёбга чиқади. Ижтимоий соҳани ривожлантириш ва молиялаштириш ижтимоий сиёсат, аҳолининг ўсиш суръати, аҳолининг ёш бўйича таркиби, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ва миллий даромад омилларига бевосита боғлиқ

бўлади. Ижтимоий соҳа ижтимоий сиёсатнинг бандлик ва ишсизлик, аҳоли даромадларини таъминлаш, таълим ва малакага тайёргарлик, соғлиқни сақлаш масалаларини қамраб олади.

Ижтимоий ҳимоя - ўзига боғлиқ бўлмаган равишда меҳнат қилиш қобилиятини йўқотган фуқароларга бериладиган нафақалардир. Бу харажатлар солиқ тушумидан молиялаштирилади. Ижтимоий ҳимоя ёрдамида аҳолининг умумжамият ишлаб чиқариш фаолиятидаги иштирокидан қатъи назар, аҳоли маълум табақаларининг турмуш даражасини яхшилаш амалга оширилади.

Ижтимоий кафолатлар - жамият ривожланиши ва унинг фуқаролари турмуш даражасининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида, ходимлар иш жойини йўқотган тақдирда, уларга моддий ёрдам бериш, шунингдек, мумкин қадар тезроқ ишга жойлаштириш бош ижтисий кафолат ҳисобланади.

Жамиятнинг меҳнат қилишга қобилияти бўлмаган қисмини моддий таъминлаш ва тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, болаларнинг туғилиши ва уларга қараш зарурияти билан боғлиқ нафақаларни тўлаш ҳам муҳим ижтимоий кафолат ҳисобланади, бу соҳада молия етакчи рол ўйнайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилишимиз мумкинки, ижтимоий сиёсат - фақатгина камбағаллар, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда меҳнат қилиш қобилиятини йўқотганлар, ёшлар ва қарияларни ҳимоя қилибгина қолмасдан, у табақаланиш жараёнини юмшатади, сиёсий барқарорликка кафолат беради. Адолат тамойилларига асосланган ҳолда, ижтимоий сиёсат жамиятдаги турли соҳалар ва муносабатлар ўртасидаги тенгликни таъминлайди.

Республикамизда бюджет харажатлари ижтимоий сиёсатнинг қуйидаги йўналишлари бўйича амалга оширилиши кўзда тутилган:

- Ишлаб чиқариш соҳасида:
 - иш билан бандликнинг юқори даражасига эришиш;

- хусусийлаштириш ва оммавий равишда давлат тасарруфидан чиқариш тадбирлари амалга оширилаётганда меҳнат жамоалари манфаатларига риоя қилиш;

- илгари ўрнатилган меҳнат алоқаларини сақлаш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун шароит яратиш.

➤ Даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш соҳасида:

- иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипенди-яларнинг минимал миқдорини белгилаш;

- даромадларни кам таъминланган фуқаролар фойдасига тақсимлаш.

➤ Истеъмол соҳасида:

- ички истеъмол бозорини ҳимоялаш;
- истеъмол моллари етказиб беришни рағбатлантириш;
- товарлар эркин алмашувига шароит яратиш;
- асосий истеъмол моллари ишлаб чиқариш даражасининг кескин пасайишига йўл қўймаслик;

- юқори калорияли озиқ-овқат истеъмоли маҳсулотлари таркибини такомиллаштириш;

- ижтимоий хизмат истеъмоли даражасининг кескин пасайишига йўл қўймаслик чораларини кўриш.

➤ Ижтимоий ҳимоя соҳасида:

- оилага дахлдор нафақаларни белгилаш;
- аҳолини мақсадли равишда ижтимоий ҳимоялаш;
- кам таъминланган оилаларга нафақаларни маҳаллалар орқали ажратиш;
- аҳолининг ижтимоий муҳофазаси учун давлат молиявий манбалари билан бир қаторда, ҳомийлик, хайрия ташкилотлари маблағларини жалб этиш.

Демак, ижтимоий сиёсат шахс ва жамият даражасидаги муаммоларни ҳал этади. Биринчи ҳолатда гап “имкониятлар тенглиги” деб номланувчи концепция ҳақида бормокдаки, бунга кўра шахс учун маълум тизим

шароитида ўз ҳолатини яхшилаб олиш имкониятлари яратилади, иккинчи ҳолатда эса “инсон капитали” концепцияси ҳақида фикр юритилади ва бунда шахс жамият эҳтиёжлари асосида шаклланади. Ушбу концепциялар шахснинг бозор иқтисодий шароитларига мослашувини акс эттиради ва жамият аъзолари турмуш даражасининг яхшиланишини хусусиятлайди. Давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири – давлатнинг ижтимоий тадбирлари мажмуини аниқлаш, уларни тизимлаштириш ва туркумлаштиришдир.

Давлат ижтимоий сиёсатини тизимлаштиришнинг биринчи босқичи тегишли тадбирларнинг тизимли категорияларга гуруҳлаштириш, уларни тартиблаштиришдан иборатки, бу ҳолат давлат ижтимоий сиёсатининг фундаментал тавсифини аниқлашга имкон беради. Бундай гуруҳлаштиришлар қатор мезонлар асосида амалга оширилади.

Давлат бюджет харажатларидан давлатнинг ижтимоий сиёсати тадбирларини гуруҳлаштириш ва таҳлил этиш учун қўлланиладиган куйидаги тўрт асосий мезондан келиб чиқиб амалга ошириш мумкин:

- 1) ижтимоий сиёсатни амалга ошириш учун қўлланиладиган механизмлар хусусиятидан келиб чиқиб молиялаштириш;
- 2) ижтимоий сиёсатнинг таъсир этувчи соҳаларидан келиб чиқиб молиялаштириш;
- 3) ижтимоий хизматлардан фойдаланувчилардан келиб чиқиб молиялаштириш;
- 4) ижтимоий сиёсат кўзлаган мақсадлар.

Инсон капитали шаклланиши жараёнини давлат томонидан тартибга солиш муаммоси ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан биридир. Мазкур тушунча такрор ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, иш кучи сифатини ва амал қилишини яхшилашга инсон капиталининг йўналтирилган харажатлари мажмуасини ифодалайди.

Маълумки, “инсон капитали”ни шакллантирувчи фаолият соҳалари аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг инвестицион тармоғи сифатида намоён

бўлади, ин-сон капитали объектлари таркибига умумтаълим ва ихтисослик билимлари ҳам киритилади.

Ўзбекистон Республикасида ушбу тушунчанинг аҳамияти иқтисодий ислохотларнинг жадал бориши билан ҳам янада ўсди ва ижтимоий ҳимояланган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг “ўзбек модели”да муҳим тадқиқ объекти бўлиб қолди.

Тадқиқ жараёни инсон капитали тушунчасининг муҳим бир методологик вазифаси шаклланганини тасдиқлади. Илгари мутахассислар ушбу омилга етарли эътибор бермаган эдилар. Мазкур тушунча “имкониятлар тенглиги” концепциясини янада аниқлаштиради, ижтимоий сиёсатнинг эса амалий хусусият касб этишини кучайтиради. Бошқача айтганда, “имкониятлар тенглиги” концепциясидан “инсон капитали” концепциясига ўтиш қуйидагиларга имкон беради:

- ижтимоий сиёсатнинг ҳар қайси тадбири ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро таъсири ва боғлиқлигини ҳисобга олувчи аниқ иқтисодий ҳисоб-китоблар билан асосланади;

- инсон капитали бозорининг шакллантирилиши орқали “ижтимоий сиёсат” тушунчаси янада кенгайтирилади, уни янги тадбирлар билан бойитилади.

Мазкур тадбирлар турли шаклларга эга бўлиши ва иштирокчиларининг турли мажбуриятлари билан боғлиқ бўлиши ҳамда ижтимоий соҳаларнинг турли тармоқлари учун қабул қилиниши мумкин. Бироқ, барча ҳолатларда ҳам ижтимоий тадбирлар умумий “кесишиш нуқтаси”га эга бўлади, булар шахснинг жамиятдаги ўрни ёки аҳоли турмуш даражасига тааллуқли бўлади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибалари шуни кўрсатадики, швед моделидаги актив сиёсатдан фойдаланиш ўз самарасини берди, Швецияда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, иш билан таъминлаш, жамоат ишларига тортиш каби фаол тадбирлар кишиларнинг ўз иш ўрнини топиш ва саклаш учун имконият яратди. Аҳолининг озгина қисми даромадини йўқотганлиги учун нафақа олади, булар пасив тадбирлар ҳисобланади.

Швед моделининг энг муҳим ва ўзига жалб этувчи томони, юқорида айтиб ўтганимиздек, “тўлиқ бандликдир”. Бошқача қилиб айтганда, социал демократлар ҳар бир фуқароларнинг даромадини ошириш борасидаги курашининг биринчи чизиғи – аҳолини иш билан бандлик муаммосини ҳал қилиш, ижтимоий нафақаларни тайинлашни эса курашнинг иккинчи чизиғи - пассив ёрдам деб ҳисоблайдилар. Фуқароларнинг таълим олишга, соғлиқни сақлашга ва бошқа ижтимоий хизматларга бўлган талабларини фақат маълум чегарадагина бозор асосида қондириш лозим деган фикр билдирадилар.

Ижтимоий сиёсат фақатгина ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда меҳнат қилиш қобилиятини йўқотганлар, ёшлар ва қарияларни ҳимоя қилмасдан, у табақаланиш жараёнини юмшатиши, сиёсий барқарорликка кафолат бериши лозим деган фикр билдирадилар.

Ижтимоий сиёсат иқтисодий аҳволдан келиб чиқиши, иқтисодий ўсишни рағбатлантириши, иқтисодиётга кучли таъсир кўрсатиши, ҳозирги реал вазиятни ҳисобга олиши, бир сўз билан айтганда, ижтимоий сиёсат фаол бўлиши мақсадга мувофиқдир.

3.3. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни самарали бошқаришни ташкил этиш механизмини такомиллаштириш

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг ривожига маҳаллий бюджетлар харажатлари қисмида ўз ифодасини топади. Маҳаллий ҳокимият органларининг асосий вазифаси шу минтақадаги иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат бўлади. Асосан, туманларда аҳоли сонининг ўсиши, турар жой-коммунал хўжаликни ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш маҳаллий бюджетлар харажатларини ўсишини талаб этади. Маҳаллий бюджет харажатларнинг ўсиши янги қурилишлар

курилиши билан, турар-жой ва маданий-маиший объектларни сақлаш харажатларини ўсиши билан боғлиқ бўлади.

Алоҳида маҳаллий бюджетларнинг харажатлар таркиби бир хил бўлмайди ва шу минтақадаги турли даражада бўлган хўжалик ва идораларнинг ҳажмига боғлиқ бўлиши, вилоят, шаҳар, туман бошқарув органларига бўйсинадиган маҳаллий саноат, турар жой-маиший хўжалик, савдо муассасаларининг маҳаллий бюджет харажатларидаги салмоғи билан белгиланади. Вилоят, шаҳар, туман бошқарув органларига асосан ижтимоий-маданий муассасалар бўйсунди, шундан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий бюджет харажатларининг 50 фоизи ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Самарқанд вилоят бюджетидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидагиларга мўлжалланган харажатларнинг молиялаштирилиши кўзда тутилган:

- фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт;
- ижтимоий таъминот;
- аҳолини ижтимоий ҳимоялаш;
- Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви
- органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таъминлаш;
- иқтисодиёт тури тармоқларининг Самарқанд вилояти бюджет ташкилотларини сақлаш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини
- ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва тадбирларни амалга ошириш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар.

Самарқанд вилоятиб бюджет харажатлари таркибида ижтимоий-маданий тадбирлар харажатлари асосан фан, таълим, соғлиқни сақлашга харажатларнинг ошиши туфайли юз бермоқда. Бу эса вилоят бюджетидан молиялаштириладиган ижтимоий соҳа муассасалари кўпайиши ва илмий-

текшириш ишларини кенгайтириш, маъмурий-территориал комплекснинг ривожланиши, маҳаллий хўжаликни бошқаришни автоматлаштирилиши билан боғлиқ бўлади.

Вилоят туманлари бюджет харажатларини режалаштиришда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги режадаги даромадларидан келиб чиқади, вилоят туманлари эса ўз харажатларини режалаштиришда ўз эҳтиёжларидан келиб чиқади.

Вилоят бюджетининг энг мақбул харажатлари режаси аниқланади, бу режа эса ҳар ҳолда даромад базасидан келиб чиқади. Ушбу салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида вилоят бюджети харажатларини меъёр асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.


Вилоят бюджети харажатларини жон бошига тўғри келадиган меъёрлар асосида соҳалар бўйича аниқлаш, бунда туман коэффициентларини ҳисобга олиш энг оддий ва муқобил усул ҳисобланади.

Тасдиқланган бюджет ажратмалари доирасида, харажатлар сметасига мувофиқ бюджет маблағларини олувчилар томонидан молия йили давомида босқичма-босқич, муайян даврга ва тегишли суммага тайинлаш сертификатини расмийлаштириш йўли билан, республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан, маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича тегишли молия органи томонидан сарфланади. Самарқанд вилояти бюджетининг 2011 ва 2013 йиллардаги харажатлари қуйида келтирилган диаграммаларда ўз аксини топганлигини кўришимиз мумкин.

3-диаграмма


Самарқанд вилояти бюджетининг 2011 йилдаги харажатлари таркиби²⁹

²⁹ Самарқанд вилояти ҳокимлиги молия бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланди.



4-диаграмма

Самарқанд вилояти бюджетининг 2013 йилдаги харажатлари таркиби³⁰



³⁰ Самарқанд вилояти ҳокимлиги молия бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, сўнги йиллар давомида вилоятимиз бюджетининг харажатлари таркибида ижтимоий маданий тадбирларни молиялаштиришга сарфланган маблағлар ошиб борган. Марказлашган инвестицияларни молиялаштиришга йўналтирилган харажатлар ҳажми эса 4,3 фоизга, болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ҳажми 2,8 фоизга пасайган.

Давлат бюджети харажатларини молиялаштириш режасини ва бюджет мажбуриятлари лимитини бюджет маблағларини (ассигнованиялари) тақсимловчиларига ва бюджет маблағи олувчиларига Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи, вазифа жиҳатидан таснифи, ташкилий таснифи кўрсаткичлари кўрсатилган ҳолда, Давлат бюджети харажатларини молиялаштириш режасини ва бюджет мажбуриятлари лимитини тўғрисидаги билдиришнома шаклда етказишни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида ҳам аҳолининг даромадларини ҳисобга олиш ва тиббий хизматга бўлган талабни қондиришни ижтимоий ҳимоянинг бир тури сифатида қарашимизга тўғри келади. Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва бу соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларни ўз вақтида ва тўлиқ молиявий таъминлаш зарурдир.

Соғлиқни сақлаш соҳаси олдида икки асосий вазифа турибди, бир томондан, тармоқ молиявий асосини кенгайтириш зарурати, иккинчи томондан, соғлиқни сақлашни интенсив ривожланиш усулига ўтказишдир. Тармоқнинг тиббий суғурта тамойили соғлиқни сақлашнинг иқтисодий таянчлари тўла рўёбга чиқарилиши учун шароит яратиш, тармоқни молиялаш манбаларини кенгайтиришга қаратилган соғлиқни сақлашни молиявий захираларини шакллантириш механизминини яратиш имконинини беради, шунингдек, бир қатор муаммолар-ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий муаммолар ҳал этилишига ёрдам беради.

Вилоят соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар кенг давлат дастуридан келиб чиқиб фелдшер-акушерлик пунктлари ва қишлоқ врачлик амбулаторияларининг янгидан қурилиши ва жиҳозланишига эътибор

қаратилмоқда. Шу тариқа вилоятнинг қишлоқ ва туманларида икки даражали соғлиқни сақлаш муассаларидан иборат тармоқ ташкил этилади:

- аҳолини барча бирламчи хизматлар билан таъминлаш учун масъул қишлоқ врачлик пунктлари.
- ҳудудлар аҳолисини асосий стационар хизматлар билан таъминлаш учун масъул туман марказий касалхоналари.

Бундан асосий мақсад ҳукуматнинг аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига ажратиладиган маблағларни оширмай туриб, соғлиқни сақлашнинг бирламчи даражасини кучайтириш, қишлоқда тиббий муассасаларнинг бошқариш ва молиялаштириш тизимини ислоҳ қилиш, соғлиқни сақлаш ходимларини умумий амалиёт соҳасида ўқитиш кабилар ҳисобига қишлоқ аҳолисини саломатлигини яхшилашдир.

Вилоят тиббиёт муассасаларни молиялашда аҳоли жон бошига ҳисоблаш тамойилига асосланган янги механизмлар, шунингдек, ходимлар меҳнатини рағбатлантиришнинг янги усуллари ишлаб чиқилади ва жорий этилади, тиббиёт ва иқтисодий масалаларт бўйича янги ахборот тизимлари жорий қилиниши кўзда тутилган.

Тиббиёт муассасасини тиббий техника билан жиҳозлаш, малакали ходимларни тайёрлаш давлат бюджетидан ажратиш мушкул бўлган харажатларни талаб қилади.

Вилоятда соғлиқни сақлашни молиявий таъминлашнинг амалдаги тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши бўлиб, тармоқни молиявий захираларни шакллантириш устидан назорат самарадорлигини ошириш бўлиб ҳисобланади. Бундай шароитда фаолият кўрсатиш хўжалик ҳисобида тиббий ёрдам кўрсатишнинг яна бир асосий тамойиллардан бири бўлган ўзини-ўзи молиялаштириш тартибини ҳаётга тадбиқ этишдан иборат.

Самарқанд вилоятида соғлиқни сақлаш учун ажратиладиган маблағларни сарфлашда, профилактика тадбирлари устивордир. Бу соҳада амбулатория- поликлиникалар харажатлари салмоғини ошириш, қишлоқ фельдшерлик пунктларининг ролини кучайтириш, якка врачлик фаолиятини

янада ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, оналар ва болалар соғлиғини ҳимоя дастурларининг молиялаштириш устувор йўналишда бўлиши зарур.

Юқорида таъкидлаб ўтилган тадбирлар эндиликда соғлиқни сақлашни иқтисодий усулда бошқариш ривожланиб бораётган ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига мос келади.

Вилоят бюджет харажатларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни тегишли даромадлар билан таъминланиш масалалари долзарбдир. Айрим минтақа харажатлари билан минтақаларнинг ЯИМ ни яратишда ҳиссаларини қиёслайдиган бўлсак, унда солиштирма ҳиссасининг номувофиқлиги кўзга ташланади.

Бюджет сиёсатининг мақсади – давлат бюджети тақчиллигини белгиланган меъёридан ошиб кетишига йўл қўймаслик, бюджет харажатларини самарадорлигини ошириш, ижтимоий харажатларнинг аниқ мақсадли ва манзилли бўлишини таъминлашдир. Бюджет ижросини белгиланган параметрлар доирасида ижро этиш, бюджетдан маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш ҳамда маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, бюджет интизомини таъминлаш бюджет тизими олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бюджет жараёнлари, жумладан, бюджет ижроси уни бажарилишини қатъий таъминлашда бюджетдан биринчи даражали устувор ижтимоий харажатларни молиялаштириш, улардан мақсадли, самарали фойдаланишда бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд.

Вилоят бюджети амалиётида маблағларини сарфлаш жараёни уч босқичга бўлинади. Тасдиқланган бюджет маблағларини олувчиларга етказиш босқичида бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар эътиборига бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг тасдиқланган миқдори етказилади. Бу босқичнинг асосий вазифаси - харажатларни амалга оширишдаги мажбуриятларини қабул қилишда бюджет ташкилотларига

бюджет мажбуриятларини лимитини белгилаш ва етказишдир. Бюджет мажбуриятларининг лимити – бюджет ижросини амалга оширувчи, бюджет маблағларини тақсимловчи ва олувчи органлар учун аниқланган ва тасдиқланган бюджет мажбуриятларининг йиғиндисидир.

Вилоятда бюджет ташкилотларининг молиялаштириш лимити – жорий молия йилида бериладиган пул маблағларининг чегарасидир. Бюджет ташкилотлари фақат юқори бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан чегараланган маблағларнинг сарфлашни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлишлари керак. Бошқача қилиб айтганда, бюджет ташкилотларини молиялаштириш режасининг ҳажми давлатнинг бюджетдан маблағ олувчига бюджет мажбуриятларини қабул қилиш ҳуқуқининг берилишидир.

Бюджет харажатларини кассали ижро этиш босқичда белгиланган тартибда ва чегараланган маблағлар доирасида, тасдиқланган харажатлар сметасига асосан қабул қилинган бюджет мажбуриятларини тўлови амалга оширилади. Давлат бюджетидан мажбуриятларнинг тўлови белгиланган тартибда расмийлаштирилган бюджет маблағи олувчиларининг тақдим қилган ва бюджет мажбуриятларни ижросини тасдиқловчи хужжатлар асосида харажатларни амалга оширилади. Давлат бюджети ижтимоий функцияларининг қисқариши тўғрисидаги хулоса ижтимоий ҳимоя харажатларининг динамикасида келиб чиқади. Ижтимоий соҳа харажатларининг 80% фоизи ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатларининг 100% фоизи маҳаллий бюджетлардан амалга оширилади.

Кенг қамровли ислохотлар давомида ижтимоий ҳимоянинг шакллари тубдан ўзгарди – умумий тизимдан аниқ манзилли тизимга ўтилди. Иккинчи томондан, ижтимоий ҳимоянинг аниқ манзилли характери унинг нисбий даражасини, айниқса, иқтисодий ўсиш йилларида қисқаришини назарда тутмайди. Манзиллилик маблағларни тежашни эмас, балки, худди шу миқдордаги маблағни ижтимоий нуқтаи назардан янада самарали фойдаланиш имконини бериши керак. Ижтимоий соҳа харажатларининг қисқариб боришининг салбий оқибатлари бюджет тузилмаларининг ўзаро

муносабатлари самарадорлигини ошириш билан қопланган ҳолда бориши лозим. Бу хулосалардан шу нарса аён бўладики, давлат бюджетини бошқариш масаласига ёндашувлар маҳаллий бюджетлар ўрнини қайта кўриб чиқиш нуқтаи назаридан бўлиши талаб этилади.

Вилоят бюджетининг асосий қисми иқтисодиёт ва ижтимоий-тадбирларни молиялаштириш йўналтирилмоқда. Тасдиқланган бюджетда кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва тўла молиялаштиришни амалга ошириш молия органларининг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади. Бу вазифани бажариш учун молиялаштириш ёки маблағ билан таъминлаш ва бюджет харажатларининг тайинланиши бўйича амалга ошириш, бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш лозим бўлади.

Молиялаштиришда «Тайинлаш сертификати»ни ўз вақтида тақдим этилмаслиги натижасида тўлов топшириқларини тузишда хатоликларга йўл қўймаслик учун молия органи бош бухгалтерига молия органи бухгалтериясининг меъёрида ишлашини таъминлайдиган муддатларда «Тайинлаш сертификати» тақдим этилишини талаб қилиш ҳуқуқи берилади.

Бюджетдан молиялаштириш (маблағ билан таъминлаш) деганда бюджет маблағларини бошқарувчиларга тасдиқланган бюджетда кўзда тутилган харажатларни амалга ошириш учун бюджетдан маблағ бериш орқали амалга оширилади.

Бюджетдан молиялаштириш икки хил усул билан амалга оширилади:

- бюджетдан маблағ олиш учун тайинлаш сертификатини тузиш йўли билан кредит очиш;
- бюджетдан маблағ олиш учун тайинлаш сертификатини тузмасдан тўлов топшириқномаларини тузиш йўли билан маблағ ўтказиб бериш.

Бюджет бўйича бюджет маблағларини бош бошқарувчилари бўлиб вазирликлар, идоралар ва бошқа марказий ташкилотларнинг раҳбарлари ҳисобланади. Вилоят бюджети бўйича бюджет маблағларини бош бошқарувчилари бўлиб ҳокимиятнинг бошқармаси бошлиғи ҳисобланади.

Айтиж жоизки, бюджетнинг касса органига келиб тушгунга қадар давлат солиқ ва молия органлари томонидан ҳисобланиши керак бўлган даромадлар Давлат бюджетининг ҳисобланган даромадлари дейилади. Давлат солиқ ва молия органлари томонидан ҳисобланган даромадларнинг тезкор ҳисоби олиб борилади. Давлат бюджетининг касса даромадлари бюджет ҳисобига ҳақиқатда келиб тушган даромадлардир. Касса даромадлари бюджетнинг даромад қисмининг бажарилиши даражасини белгилайди. Шунинг учун ҳам бюджет даромадларининг тушуми ҳақида фақат касса даромадлари бўйича баҳо берилади.

Давлат бюжети ижросида катнашувчи барча органларда давлат бюджетининг даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш асосида бюджет таснифи ётади. Бюджет таснифи давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини бир тизимга солиш учун фойдаланиш ва у бюджет маълумотлари халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан қиёслашни таъминлаш мақсадида давлат бюжети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек, унинг тақчиллигини молилаштириш манбаларини гуруҳлаш ҳисобланади.

Ижтимоий ҳимоялаш масалалари ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эгадир. Мустақиллик йилларида ижтимоий соҳа ўз фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва бажарадиган вазифалари, ташкилий тузилиши, бошқарилиши ва молиявий таъминланиш механизми бўйича тубдан ўзгарди. Кейинги йиллар мобайнида ижтимоий соҳани ривожланишини рағбатлантирувчи муҳим қонуний ҳужжатлар қабул қилинди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг асосий ижтимоий вазифалари қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- инсонларнинг моддий ва маънавий фаровонлигига эришиш;
- кишиларнинг меҳнат фаолияти жараёнида камолотга етишиш;
- ижодкор инсон бўлишига эришиш;

- кишиларнинг маданий-маиший ҳаёт шароитларини яхшилаш.

Бундай вазифаларни ҳал қилишда ижтимоий соҳани ривожлантириш ва унинг инфратузилмасини такомиллаштириш асосий омил бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий соҳа – инсонларнинг турмуш даражасини, аҳоли фаровонлигини, фуқароларнинг истеъмолини аниқловчи ҳамда бевосита бири-бирига боғлиқ корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар мажмуидир.

Ижтимоий соҳанинг ривожланишини баҳоловчи ва тартибга солувчи асосий мезонлари унинг асосий вазифаларини аниқлайди.

Жумладан:

- иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш;
- инсон потенциалини сақлаш ва ривожлантириш;
- жамиятда ижтимоий барқарорликни сақлаш ва таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасида барча соҳалар каби ижтимоий соҳаларда ҳам чуқур ўзгартиришларни амалга ошириш ҳозирги куннинг асосий талабидир. Шунинг учун ҳам унинг муаммолари ҳар қандай шароитда, айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда аҳоли ёшининг таркиби республикамиздаги барча ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсатмоқда, бу соҳадаги муаммоларни ўткирлаштирмоқда. Бу эса ижтимоий масалаларни, жумладан, ижтимоий ёрдам, пенсия таъминоти, маориф ва соғлиқни сақлаш жараёнларини ислоҳ этишнинг устивор йўналишлар эканлигини белгилаб бермоқда. Айни пайтда миллий иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ижтимоий-маданий ва аҳолини ижтимоий ҳомоялаш соҳаларни янада ривожлантиришнинг зарурлиги, бу соҳани молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тақозо этади.

Ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий нуқтаи-назардан жуда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, аҳолининг кам таъминланган ва кам ҳимояланган қисми - қарияларга, ногиронларга, болаларга, аёлларга ижтимоий ёрдам

бериш ва уларга яхши турмуш шароитини яратиш бир тизимдан иккинчи тизимга оғриқсиз ўтишга, фуқароларда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларга бўлган ишончни кучайтиришга имкон беради.

Ижтимоий жиҳатдан ночор аҳоли категорияларини муҳофазалаш шакллари ҳақида гап борган ҳолларда «ижтимоий муҳофаза» атамаси давлатнинг ижтимоий сиёсатини таърифлаш учун кенг ишлатилади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясида ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш ва аҳолининг кам таъминланган гуруҳларини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш чоратадбирлари кўрилади, бу иқтисодий ислохотлардан бири – давлатнинг ижтимоий барқарорлигини таъминлайди. Давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишнинг муҳим элементи сифатида Давлат бюджетидан, жумладан маҳаллий бюджетдан фойдаланилади.

Ижтимоий соҳалар - алоҳида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарадиган халқ хўжалигининг шундай тармоғики, унинг фаолияти аҳолини ижтимоий эҳтиёжини қондиришга, турмуш шароитини шакллантириш мақсадига, фуқароларнинг турмуш шароитини таъминлашга йўналтирилган бўлади.


Ижтимоий соҳани ривожлантириш ва молиялаштирилиши ижтимоий сиёсат, аҳолининг ўсиш суръати, аҳолининг ёш бўйича таркиби, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ва миллий даромад омилларга бевосита боғлиқ бўлади. Ижтимоий соҳа ижтимоий сиёсатнинг бандлик ва ишсизлик, аҳоли даромадларини таъминлаш, таълим ва малакага тайёргарлик, соғлиқни сақлаш масалаларини қамраб олади.

Ижтимоий хизматларни ривожлантириш - инсоний капиталга инвестицияларни йўналтириш ва шахснинг ишлаб чиқариш ва маънавий потенциалини кенгайтиришдан иборат. Ижтимоий хизматлар ижтимоий ёрдам сифатида солиқлар тушуми ҳисобига молиялаштирилади, лекин, ҳомийлик тадбирлари ҳисобланмайди. Чунки вақт ўтиши билан бепул ва имтиёзли хизматлардан фойдаланган фуқаролар томонидан бу харажатлар

қопланади. Аслида, нафақалар моҳиятига кўра ўта муҳтож кишиларга кўмаклашиши назарда тутган ҳолда, болаликдан ногиронларга, қариялар ва меҳнатга қобилиятсиз кишиларга, пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган фуқароларга нафақалар худди пенсиялар сингари ойма-ой берилади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги олиб борилаётган давлат сиёсати аҳолининг меҳнатга қобилиятсиз табақаларини, объектив сабабларга кўра меҳнат фаолияти юрита олмайдиган фуқароларни, белгиланган миқдорда кам даромад оладиган фуқароларни қўллаб-қувватлашга оид тадбирларнинг яхлит, мажмуий тизимни кўзда тутди. Бу эса энг муҳим эҳтиёжларни қондиришда ижтимоий ёрдам йўналиши билан боғлиқ.

Ижтимоий ёрдам — кам таъминланган аҳоли қатламларига кўрсатиладиган хизматлар ва имтиёзлардир. Фуқароларнинг маълум бир табақаларига бериладиган имтиёзлар сифатида фуқароларнинг амал қилаётган қоида, талаб ва мажбуриятлардан қисман озод қилинишини тушунамиз. Фуқароларга бериладиган имтиёзларнинг сони ва ҳажми шу имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқи берилган фуқаронинг ҳақиқий даромадларидан қатъий назар берилади. Бу имтиёзлар билан ҳар хил ташкилотлар шуғулланади ва бу имтиёзлар харажатларини молиялаштириш манбалари ҳам турличадир (3-чизма).



3-чизма. Ижтимоий ҳимоя йўналишлари.

Кам таъминланган oilаларга мансуб бошланғич синфларнинг ўқувчилари билан бир қаторда шунингдек, юқори синфларнинг кам таъминланган oilаларига мансуб ўқувчилари ҳам бепул қишки кийим-бош тўплами билан таъминланади.

Ота-онасиз, етим болаларни тўлиқ давлат таъминотидаги болаларни ижтимоий ҳимояlash: улар барча турдаги умумтаълим мактабларини битириб чиққанда, ишга жойлашаётганда кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун тўланадиган нафақалар миқдорини 2002 йилда энг кам ойлик иш миқдорининг 80 бараваригача, 2003 йилда 100 бараварига, шунингдек, пул

нафақасини 2002 йилда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 3 бараваригача ва 2003 йилда 5 бараваригача миқдорда ошириш белгиланган. Ўқув муассасаси яшаш жойидан узоқ масофада жойлашган ҳолларда бюджет маблағлари ҳисобига имтиёзли транспортда юриш карточкалари билан таъминланади. “Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болаларни ва ота-она қаровисиз қолган болаларни пул нафақалари ҳамда кийим-бош пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун нафақалар, шунингдек, транспортда юриш карточкалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида”ги тартибга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида белгиланган тартибда васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан аниқланиб, тегишли таълим муассасаларига жойлаштирилган ота-онаси вафот этган, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, ота-оналик ҳуқуқи чекланган, муомалага лаёқатсиз деб топилган, касал бўлган, узоқ муддат бўлмаган, болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган, шу жумладан, тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаларидаги боласини олишдан бош тортган ота-оналарнинг болалари, шунингдек, бошқа ҳолларда ота-она қаромоғидан маҳрум бўлган болалар тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар ҳисобланади.

Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида уларга барча турдаги умумтаълим мактабларини битириб чиққанда, ишга жойлашаётганда кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун тўланадиган нафақалар миқдори энг камойлик иш миқдоридан келиб чиқиб оширилган. Ушбу нафақалар таълим муассасаларининг битирувчисига бир марта, яъни таълим муассасини битириб, ишга жойлашаётганда берилади. Агар ушбу муассасаларнинг тарбияланувчиси 9-синфни битириб, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежига, 11-синфни битириб, олий ўқув юртига ўқишга кирса, унда битирувчи ҳар икки нафақани ушбу таълим муассасасида ўқишни тугатгандан сўнг, шу муассасалардан олади.

Битирувчига янги кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун тўланадиган нафақа миқдори тенг пул маблағи битирувчининг банк муассасасида очилган омонат ҳисоб-варағига ўтказилади, пул нафақаси нақд пул билан берилади, битирувчиларнинг шахсий омонат ҳисоб-варағига пул маблағини ўтказиш ва уларга нақд пул нафақасини бериш ҳар йили 1 сентябргача амалга ошириб келинмоқда. Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар барча турдаги умумтаълим мактабларини битириб чиққанда, ишга

жойлашганда кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун тўланадиган нафақалар ва пул нафақалари учун харажатлар миқдори улар тарбияланаётган таълим муассасаларнинг ёки ўқишни давом эттираётган академик лицей ва касб-хунар коллежларнинг харажатлар сметасида бюджет харажатлари иқтисодий таснифи бўйича 03-4-90 модда “Уй хўжаликларига бошқа трансфертлар” моддаси бўйича кўзда тутилади.

Битирувчиларга бериладиган пул нафақаси, кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун тўланадиган нафақалар тўлашга ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши бўйича жавобгарлик битирувчига нафақаларни бераётган муассаса раҳбари, буни назорат қилиш эса таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари ва уларни молиялаштирувчи органлар зиммасига юклатилган.

Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларда тарбияланаётган, умумтаълим мактаблари, академик лицей ёки касб-хунар коллежларида ўқиётган тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар ўқийдиган таълим муассасаси яшаш жойидан 3 километрдан зиёд масофада жойлашган бўлса, уларга жамоат транспорти ва ўқувчилар учун транспортда имтиёзли юриш карточкалари берилади. Таълим муассасаларини маблағ билан таъминловчи молия идоралари тўлиқ давлат таъминотидаги етим болаларга ва ота-она қаровисиз қолган болаларга имтиёзли транспортда юриш карточкалари берилиши учун бюджет маблағлари ажратилишини таъминлайди ҳамда ушбу мақсадда ажратилган

маблағларнинг тўғри сарфланиши устидан қатъий назорат олиб боради.

Транспортда юриш карточкаларини бериш учун таълим муассасалари раҳбарлари ўқув бошланишидан олдин ўқув муассасаси яшаш жойидан узоқ масофада жойлашган болаларнинг рўйхатини тузади, тасдиқлайдилар. Мазкур рўйхат болаларга бундай карточкаларини бериш асос бўлади, фақат ўқиш даври учун берилади. Агар боланинг яшаш жойи ёки таълим муассасанинг жойлашган жойи ўзгарса, аввал бу болага ушбу мақсад учун учун сарфланиши кўзда тутилган маблағ харажати ўқувчи муассасасидан кўчирилган кундан эътиборан тўхтатилади.

Транспортда юриш карточкалари ҳар ойнинг якунида, яъни шу ойнинг тугашига 2 кун қолганда тарбияланувчиларга берилди. Транспортда юриш карточкаларига ҳақ тўлаш таълим муассасалари томонидан ушбу карточкани муомалага чиқарган ташкилот ёки ўқувчилар қатнайдиган йўналишда транспорт воситалари қатновини йўлга қўйган автокорхона билан тузилган шартномага мувофиқ нақд пулсиз, шу ташкилот ёки корхона ҳисобига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Транспортда юриш карточкаларини сотиб олишга ажратилган бюджет маблағлари улар тарбияланаётган таълим муассасалари харажатлар сметасида бюджет харажатлари иқтисодий таснифи бўйича 03-4-90 модда “Уй хужаликларига бошқа трансфертлар” моддаси бўйича акс эттирилади. Транспортда юриш карточкаларини сотиб олишга ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш ва уларни тўғри тақсимланиши юзасидан жавобгарлик таълим муассасалар раҳбарлари зиммасига юкланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 33-сон қарорида болани ўз тарбиясига олган, тутинган ота-оналарга олинган ҳар бир бола учун энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорида ҳар ойлик нафақа берилади. Тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш ҳамда болаларни кийим-бош ва пойабзал билан бир йўла таъминлаш харажатлари Молия Вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳри молия бошқармалари томонидан, маҳаллий ҳокимият органларининг тегишли қарорлари асосида, маҳаллий

бюджетларнинг захира жамғармаларидан маблағ билан таъминланиб келинган.

Оилага тарбияга олинган болаларни кийим-бош ва пойабзал учун маблағ болани Халқ таълими ёки Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тарбиялаш ва даволаш муассасалари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги муассасалардан олинанишидан қатъий назар, харажатлар Қорқалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари томонидан Қорқалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тегишли қарорлари асосида ажратилади, Қорқалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларининг бюджетига ўтказилади. Кийим-бош ва пойабзал савдо ташкилотларидан пул ўтказиш йўли билан сотиб олинади, болани оила тарбиясига олган ота-оналар кийим-бош ва пойабзал сотиб олиш учун савдо ташкилотларига пул ўтказилгандан кейин, тегишлича берилган ишончномалар асосида ўзлари олади. Тарбияга олинган бола учун кийим-бош ва пойабзал бола оилага тарбияга оlingандан кейин бир ой муддат ичида ушбу Низомнинг 2-илоvasида белгиланган рўйхат бўйича бир йўла берилади. Болани оила тарбиясига олган ота-оналарга кийим-бош ва пойабзал сотиб олиш учун ажратилган маблағлардан бошқа мақсадда фойдаланиш қатъиян ман қилинади. Давлатга қарашли болалар муассасаларида тарбияланаётган бола тарбиялаш учун оилага берилганда муассасанинг харажатлар сметаси шу вақтдан бошлаб, ушбу болага сарфланадиган харажатлар миқдорида қисқартирилади.

Вилоят Бюджет маблағларини вилоятга қарашли туманлар ўртасида тақсимлаш шаҳар (туман) ҳокимиятларининг молия бошқарма (бўлим)лари томонидан ва туман ҳокимиятлари томонидан тақдим қилинган маълумотлар асосида, ҳар бир туман ҳудудида яшовчи муҳтож оилалар сонига мутаносиб ҳолда ушбу оилаларнинг таркибини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Кўзда тутилган бюджет маблағларини фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш

органларининг махсус ҳисобрақамларига тақсимлаш туман молия бўлими, меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари томонидан қуйидаги шартларидан келиб чиққан ҳолда биргаликда бажарилади:

- бунда, нафақаларни тўлашни молиялаш учун тегишли туман бюджетида кўзда тутилган маблағларнинг миқдори;
- фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳудудида яшовчи муҳтож оилалар сони, ушбу оилаларнинг таркиби-оиладаги болалар сони ҳисобга олинади.

Нафақа олувчилар томонидан йил давомида ўлим, турар жойининг ўзгариши ва моддий ёрдам олиш зарурияти йўқлиги туфайли ўз вақтида олинмаган маблағлар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг счётларига қайтарилади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан ҳар ойда вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақаларни белгилаш ва тўлаш тўғрисида ҳисобот тузилади, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10 санасигача туман ҳокимиятининг молия ҳамда меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимларига топширилиб келинмоқда. Шундай қилиб, иқтисодий эркинлаштириш жараёни, бозор механизмнинг такомиллашиши, ислохотларнинг тобора чуқурлашиб бориши ҳар бир иқтисодий жараёни чуқур таҳлил қилишни тақозо қилмоқда. Маҳаллий бюджетнинг бажарилишининг самарадорлигини ошириш муаммолари белгиланган параметрлар доирасида харажатларни амалга ошириш, бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни шакллантириш, бюджет маблағлари билан амалга ошириладиган операцияларнинг ҳисобини юритишда катта аҳамият касб этади.

Бюджет харажатлари, харажатларини ташкил этишга оид тамойиллар, маблағларни мақсадли тақсимлаш, тежамкорлик режимида қатъий амал қилиш, давлат молия-бюджет интизомига амал қилинишига эришиш мақсадида самарали молиявий назорат тизимида эга бўлиш лозим. Жумладан,

бюджет жараёнини мавжуд қонунчилик асосида, бюджет ижросини белгиланган параметрлар доирасида ижро этиш, бюджетдан маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш ҳамда маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, бюджет интизомини таъминлаш бюджет тизими олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Демак, ушбу мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бюджет жараёнларида маблағларни мақсадли тақсимлаш, маблағлардан энг юқори самарага олинишига эришиладиган ҳолда фойдаланиш ва тежамкорлик ҳамда молия-бюджет интизомини таъминлаш ва уни назорати орқали эришиш мумкин бўлади.

Бюджет сиёсатига ҳам чамбарчас боғлиқ шароитда энг муҳим вазифа қилиб бюджетларнинг қатъий бажарилиши устидан доимий назоратни, молия қонунчилигига риоя этилиши ва бюджет интизомини таъминлаш, бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш, мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш, ижтимоий харажатларнинг аниқ мақсадли ва эғали бўлишига эришишдан иборат.

Бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланишини назорат қилиш, шунингдек, ижтимоий-маданий тадбирларга ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланиш дастур асосида аниқ рўйхатли бўлишини, бюджетдан маблағ оладиган бюджет муассасаларини молиялаштириш механизмини соддалаштириш, бу билан бюджет маблағларидан фойдаланиш ҳисобини юритиш назоратини таъминланишини таҳлил қилишни тақозо этади. Бюджет маблағлари мамлакатнинг макроиқтисодий барқарорликка эришиш йўлида ҳукумат томонидан яқин ва узоқ даврларга мўлжалланган давлат дастурларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Молиявий ресурсларнинг чекланганлиги шароитида ижтимоий харажатларнинг аниқ мақсадли ва манзилли бўлишига эришишга зарурият туғилади. Бу эса Давлат бюджетининг мавжуд маблағларини мақсадли тўғри тақсимланишини доимий назоратини амалга оширишни талаб этади. Бозор муносабатлари шароитида амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларни

таъминлашдаги жараёнлар, жумладан, бюджет жараёни, бюджет ижросини қатъий таъминлашда бюджетдан биринчи даражали устивор ижтимоий харажатларни молиялаштириш ва ундан мақсадли, самарали фойдаланишда бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш бюджет сиёсатини тўғри юритиш, бюджет маблағларидан самарали, оқилона фойдаланишни талаб этади. Бюджет дастурларининг аниқ ва ўз вақтида бажарилиши айтилиши пайтда давлат дастурларининг ҳам пировард натижада ижобий бажарилишини таъминлайди. Бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишга эса самарали назорат тизимини шакллантирмасдан туриб эришиб бўлмайди.

Ислохотларни чуқурлаштириш давлатнинг бюджет сиёсатига ҳам чамбарчас боғлиқ шароитда энг муҳим вазифа қилиб бюджетларнинг қатъий бажарилиши устидан доимий назоратни, молия қонунчилигига риоя этилиши ва бюджет интизомини таъминлаш, бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш, мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш, ижтимоий харажатларнинг аниқ мақсадли ва манзилли бўлишига эришишдан иборат. Давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни назоратини такомиллаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бозор муносабатлари ривожланган тақдирда ҳам молиявий назоратнинг салоҳияти пасаймасдан, балки ошиб боради. Ҳозирги шароитда молиянинг ўзи каби молиявий назоратнинг ҳам мақсад ва вазифалари, шакллари тубдан ўзгаради. Энди у фақатгина жазоловчи орган сифатида эмас, балки давлатнинг ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган маблағларни тўлиқ тўпланиши, бюджет маблағларидан мақсадга мувофиқ самарали харажат қилишни назорат қилиш, маслаҳат ва кўрсатмалар бериш каби вазифаларни бажармоқда.

Молиявий назорат институти давлатнинг назорат органларининг умумий тузилишини ўзида мужассамлаштиради ва молиявий механизмнинг асосий элементи сифатида намоён бўлади. Молиявий назоратнинг муҳим шаклларида бири-давлат бюджетининг молия назорати ҳисобланади.

Бюджет назорати орқали давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари мунтазам равишда тасдиқланган бюджетнинг даромад ва харажатлар режаларини тўлиқ ва сифатли бажарилишини назоратга олиш, уларнинг бажарилишига таъсир қилувчи турли салбий омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун зудлик билан зарур чора-тадбирлар белгилаш имкониятига эга бўлади.

Бюджетни иқтисодиётнинг турли тармоқлари билан кўпқиррали алоқаларини бюджет кўрсаткичларининг аниқ адресли характери ифодалайди ва иқтисодиётнинг турли тармоқларида тўғри ишлатилишини назорат қилишга асос яратди. Бюджетни даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичлари тизими орқали назорат қилинади. Молия, бюджет, солиқ интизомига етарли даражада риоя қилинмаётганлиги ва бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатилишида кўпсонли ҳолатларнинг мавжудлиги барча мамлакатларда давлат назоратини кучайтиришни зарурлигини кўрсатмоқда.

Марказлашган бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланишини назорат қилиш, шунингдек, ижтимоий-маданий тадбирларга ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланиш дастур асосида аниқ рўйхатли бўлишини, бюджетдан маблағ оладиган бюджет муассасаларини молиялаштириш механизмини соддалаштириш, бу билан бюджет маблағларидан фойдаланиш ҳисобини юритиш назоратини таъминланишини таҳлил қилишни тақозо этади.

Президентимиз И. А. Каримов давлат бюджети интизомига риоя қилиш иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг асосий омилларидан бири эканлигини ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида таъкидлаб ўтдилар.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам шуни кўрсатадики, бюджетнинг асосий вазифалари миллий даромадни тақсимлаш, иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш ва тартибга солиш, ижтимоий соҳаларни молиявий таъминлаш ва давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш ва марказлаштирилган пул жамғармаларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланишнинг молиявий назоратини амалга оширишдан иборат. Чунки, бюджетда кўзда тутилган тадбирлар ва дастурларни аниқ ва ўз вақтида молиялаштирилиши айтилган пайтда давлат дастурларининг ҳам пировард натижада тўлиқ бажарилишини таъминлайди.

Бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишга эса самарали назорат тизимини шакллантирмасдан туриб эришиб бўлмайди. Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, бюджет харажатларидан самарали фойдаланиш назоратини такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни самарали бошқариш қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мумкин:

- бюджет ташкилотларида коммунал хизматлар бўйича лимитлар назоратини таъминлаш;
- маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган ташкилот ва муассасаларда меҳнатга ҳақ тўлашни таҳлил қилиш;
- маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари ва улардаги хизматчиларини сонини қисқартириш бўйича инвентаризация ўтқизиш.

Харажатларнинг I ва II гуруҳларини республика ва маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминлаш сметаларга ва бюджет харажатлари рўйхатларига, уларга киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, олдинги ҳисобот даври учун белгиланган баҳолаш кўрсаткичларининг бажарилишига мувофиқ ҳар ойда амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларини:

- республика бюджетидан маблағ билан таъминлаш – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида белгиланган шаклдаги, бюджет таснифномаси параграфлари ва харажатлар гуруҳларини кўрсатган ҳолда, харажат жадваллари ва харажатларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қоғози билан расмийлаштирилади;

- маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминлаш - тегишли молия ташкилотларида белгиланган шаклдаги фармойиш билан ва харажатларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қоғози билан расмийлаштирилади.

Бюджет ташкилотларининг харажатларини маблағ билан таъминлашда янги бюджет йилида маблағ ажратиш режаси дебиторлик қарзлар кредиторлик қарзлардан ортиқ суммага ва бюджет ташкилотларининг ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январидagi ҳолатига кўра товар-моддий бойликларнинг нормативдан ортиқ қолдиги суммасига камайтирилади.

Бюджет маблағларидан фойдаланилишини назорат қилиш бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг белгиланган нормативлари ва лимитлари, давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифномаси, тегишли бюджетларнинг тасдиқланган параметрлари, тасдиқланган штат жадваллари ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бюджет ташкилотлари харажатлари сметаси, мазкур Тартибнинг қоидалари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Бюджет ташкилотлари томонидан маблағларнинг сарфланишини, шу жумладан, бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси, унинг ҳудудий органлари ва жойлардаги молия органлари томонидан қонун ҳужжатлари билан берилган ваколатларга мувофиқ амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг сметалари ва штат жадвалларини тузиш ҳамда тасдиқланган сметалар ва штат жадвалларини рўйхатдан ўтказиш

тартибига риоя этилиши, уларнинг тасдиқланган таснифномага, харажатлар нормативлари ва лимитларига мувофиқлиги учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ:

- бюджет ташкилотларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари - бюджет ташкилотларининг ишлаб чиқилган ва рўйхатдан ўтказиш учун киритиладиган тасдиқланган сметалари ва штат жадваллари тўғрилиги ва асосланганлиги учун;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизимининг ваколатли ходимлари, шу жумладан Молия вазирлиги раҳбарлари ва марказий аппарати ходимлари - бюджет ташкилотларининг рўйхатдан ўтказилган штат жадваллари ва йиғма сметалари тўғрилиги ва асосланганлиги учун шахсан жавоб берадилар.

Бюджет маблағлари ҳисобига, ҳам мазкур Тартибда назарда тутилган бошқа манбалар ҳисобига маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг раҳбарлари амалдаги меҳнат, маъмурий, жиноят қонунчилигига мувофиқ бюджет интизоми бузилиши учун, шу жумладан:

- бюджет маблағларидан ва бошқа пул маблағларидан ноўрин фойдаланилиши;

- муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар пайдо бўлиши;

- харажатлар гуруҳлари бўйича тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар лимитлари ошириб юборилиши;

- штат-смета интизоми бузилиши;

- харажатлар сметаси ижроси тўғрисидаги ҳисобот ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун шахсан жавоб беради.

Республика ва маҳаллий бюджет ижросининг назорати жараёнида ҳозирги кунда қуйидаги муаммолар кўзга ташланмоқда:

- бюджет ижроси жараёнида маҳаллий ҳокимият вакилларининг асоссиз аралашуви;

- бюджет ижроси устидан назорат қилувчи ваколатли органларнинг бир-бирлари билан ахборот алмашмаслиги ва ўтказилаётган текширишлар кетма-кет бўлиб бир-бирини такрорлаётганлиги;
- республика ва маҳаллий бюджетлар ижросида бюджет «тиниклик»нинг етарли эмаслиги;
- бюджет муассассалари томонидан харид қилинаётган товар моддий бойликлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг жорий вақтдаги бозор нархларидан бир неча баравар қиммат нархларда харид қилинаётганлигидир.

Бозор муносабатлари шароитида амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларни таъминлашдаги жараёнлар, жумладан, бюджет ижросини қатъий таъминлашда бюджетдан биринчи даражали устивор ижтимоий харажатларни молиялаштириш ва улардан мақсадли, самарали фойдаланишда бюджет чинтизомини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мукинки, Давлат бюджетини белгиланган параметрлар доирасида муваффақиятли ижро этилиши ҳамда бюджет интизомига қатъий амал қилишни таъминлашда молиявий назорат ишларини янада такомиллаштиришни талаб этади.

IV БОБ. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ МОЛИЯ БОШҚАРМАСИДА ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ҲОЛАТИ ВА САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

4.1. Ҳаёт фаолияти меҳнат муҳофазасининг қонуний асослари

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий, қонуний асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва турли вазирликларнинг кўрсатмаларнинг буйруқлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида Конституциясида (1992 йил 8 декабр): Олий Мажлиснинг ваколатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, давқулодда ҳолат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш киради (78- модда).

Маҳаллий ҳокимият органларининг Конституциямиз томонидан белгиланган вазифалари қаторига, жумладан, қуйидагилар киради:

- қонунийликнинг, ҳуқуқий-тарғиботини ва фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш;
- маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш мажбурий солиқлар ва йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармалар ҳосил қилиш (100-модда).

Конституцияда энг аввало инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўрсатилган бўлса, шу билан бир қаторда иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни ҳимояланиш асоси берилган.

Конституциянинг 9-боби иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни ҳимоялашга қаратилган. 36-моддасида «Ҳар бир шахс қонунда кўрсатилган тартибда риоя қилиш, эркин касб танлаш одилона шароитларда меҳнат қилиш, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир» дейилган ва унинг

давомида жазо ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан (ҳарбий хизмат чоғида, фавқулодда ҳолат шароитида ҳ.к.ларда ташқари мажбурий меҳнат тақққланади) дейилган.

39-моддада «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга» деб тиббиёт хизмати ҳеч бир чекланишларсиз, турли хил хизмати корхоналари ташкил этилиши ва жумладан малакали тиббиёт ҳодимлари ўз шахсий даволаш муассасаларига эга бўлиши, даволаш соҳасида рақобат вужудга келиши билан Республикамизда яшовчилар малакали тиббиёт хизматидан фойдаланиш имқонияти таъминлапади.

Юртимизда фуқаро меҳнат муҳофазасини Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» қонунни (1993 йил 6 май), Меҳнат Кодекси (1995 йил 21-декабр, №161-1) «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ҳодимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги Низом (Вазирлар Маҳқамаси 1997 йил 6 июн, 286-қарор) ва турли давлат стандартлари ва кўрсатмалари асоси яратилган.

Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги» Қонун ҳажми 5 бўлим, 29 моддадан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклқидан қатъий назар меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишни таъминлашга қаратилган.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тушунчаси ўз ичига инсоннинг жамиятда ишлаб чиқаришда, яшашида, фаолият олиб боришида муҳитнинг хавфсиз бўлиши, табиий ва техноген хусусиятли вазиятлардан сақланиши, уруш ва терроризм ҳуружидан химояланиш, табиат ва одамзот уйғунлигини сақлаши, умуман олганда, инсоннинг шу заминдаги ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш тушунилади.

4.2. Самарқанд вилояти ҳокимлиги молия бошқармасида меҳнат фаолиятини муҳофазасининг ҳолати

Самарқанд вилояти ҳокимлиги молия бошқармасида ҳаёт фаолияти хавфсизлигида меҳнат муҳофазасини, конунда кўрсатилганидек ташкил этиган: меҳнат муҳофазасини иш жараёнида инсоннинг меҳнат қобилиятини, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш учун йўналтирилган қонунлар мажмуаси, социал-иқтисодий ташкилий, техник, гигиеник, профилактик тадбирларни ўз ичига қамраб олар экан, демак барча жабҳаларда фуқароларнинг меҳнат қилиш шароити талаб даражасида яратилиши лозим.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги молия бошқармасида ҳар бир ҳодимнинг Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига амал қилиш ишлаб чиқариш хавфсизлиги масалаларини иш фаолиятига тўғри хал этиши унинг шу соҳадаги билим ва малакасига боғлиқ. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги билан бир каторда унинг таркибий қисми бўлган меҳнатни техника хавфсизлиги ҳамда ёнғиннинг олдини олиш масалалари ҳозирги вақтда энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Саноатнинг барча тармоқларида ҳодимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларни излаб топиш меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ҳодимларнинг саломатлигини сақлаш, касб касалликларни ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек, уларни камайтиришда ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли ноҳуш меҳнат шароитларида ишлаётган ҳодимларни даврий кўриқдан ўтказиб туриш чора тадбирлари ичида муҳим ўрин тутди.

Сўнгги вақтларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва тиббий кадрлар тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилаяпти. Меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида

мажмуавий дастурлар амалга оширилмоқда, юқумли умумий хастакликлар ҳамда касб касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг энг янги усуллари ишлаб чиқилмоқда ва ҳаётга тадбик этилмоқда.

Умумий ва касб касаликларини, бахтсиз ходисаларнинг олдини олиш, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида бу кўрикларнинг паст савияда ўтказилиши келгусида сурункали касалликларнинг тез-тез учраб туришининг кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида ишлаш унумдорлигининг пасайишига, иқтисодий куч-қувватларнинг сусайишига олиб боради, яъни салбий ижтимоий оқибатларга сабаб бўлади.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси кучайишини ва аҳолини фуқаро муҳофазаси вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларга тузилмарга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатланиши, турли хил жиҳозлар, асбоб ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалри ишлаб чиқилади.

Фуқаро муҳофазасининг амалий машғулотларнинг замон талаблариға мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонида қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кузатиладиган табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалари оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, қутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

4.3 Самарқанд вилояти ҳокимлиги молия бошқармасида ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора тадбирлари

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли хид ҳамда газлар атмосферага ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб кўтарилиб, хавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кураш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усулларнинг меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо этади.

Ҳозирга вақтда республикаимиз ташкилот ва корхоналарида ёнғин хавфсизлигини камайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, корхоналарда ёнғин чиқиш хавфи камайтирилган ва бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналари ишлатилмоқда. Ўт ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенгроқ қўлланилмоқда.

Лекин, ёнғин чиқишининг олдини олиш ва ўт ўчиришда асосий маъсулият кишилар зиммасига тушушини ҳамда уларнинг ёнғинни ўчириш техникасининг барча талабларини тўлиқ бажарилишига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Ташкилот ва корхоналарда бу тадбирлар тартибли равишда, ёнғин техникаси ҳақидаги низом, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борилиши керак. Республикаимизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкани кўз қорачиғидай корхоналарида ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташкилий қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Республикаимизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зич яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнғин муҳофазасининг мустаҳкамлаш учун ёнғинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу

тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишига қаратилган илмий техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;

- иккинчидан, объектлар , шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зич яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга қарши кураш бошқармасининг вазифаси давлат мулкани, фуқаролар шахсий мулкани ёнғиндан сақлашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнғин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;

- саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларнинг бажарилишини текшириш;

- ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлимларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини каттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш;

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- ёнғин хавфсизлиги жиҳозларининг қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча ташкилот бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналари ва уйларни текшириш;
- Корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим этишни

талаб қилиш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилишларини аниқлашда қоида бузилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;
- ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиш ёки бажармаслигида айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчилар, хизматчилар ва муҳандис-техникларнинг кўпчилиги жалб этилгандагина корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда ёнғинга қарши муваффақиятли кураш олиб бориш мумкин. Бунинг учун ҳар бир объектда ёнғин техник комиссияси тузилади.

Комиссияга бош муҳандис, техник раҳбар ёки раҳбарнинг биринчи ўринбосари бошчилик қилади, уларнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- ёнғинни олдини олиш қоидаларининг бузилишларини ва ёнғин чиқишига олиб келувчи камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиш;
- объектив ёнғиннинг олдири олиш тартибини ишлаб чиқиш ва уларни ўтказишда қатнашиш;
- ишчи хизматчилар ва муҳандис - техник ходимлар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш тартиби ҳамда қоидалари бўйича оммавий тушунтиришини олиб бориш.

Бу вазифаларни бажариш учун ёнғин тахник комиссияси ишлаб чиқариш хоналари, Электр жиҳозлари, шамоллатиш, иситиш тизимлари ва шу кабиларни кўздан кечириб, қоида бузилишларни аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш муддатларини белгилайди, ишловчилар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш мавзуларида суҳбатлар, лексиялар ўтказилади, рационализаторлар ҳамда ихтирочилар учун мавзулар ишлаб чиқишда қатнашади, цехлар, бўлимлар, омборхоналар, лабораториялар ва

ҳоказоларнинг ёнғинга қарши ҳолатини текширишга кенг жамоатчилини жалб этади.

4.4. Самарқанд вилояти ҳокимлиги молия бошқармасида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш, даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, прогез-оргопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек, беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш парваришлаш юзасидан Ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқга эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек, уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг аҳамияти ва шундай ёрдам беришнинг қоидалари. Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини, кутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ходисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқшини вақтинча тўхтатиб қуйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қуйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғрик қолдирадиган дорилар юбориш, (шок маҳалида), ёниб турган кийимни ўчириш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизация), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкасидан ўтказиш.

Биринчи медицина ёрдамини мумкин қадар эрта муддатларда кўрсатиш касаллик ва шикастнинг кейин қандай ўтиши ҳамда оқибати нима билан тугаши учун, баъзида эса ҳаётини кутқариб қолиш учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Кўп қон кетиб турганда, одам электр токидан шикастланган, сувга чўккан пайтида, юрак фаолияти тўхтаб, нафаси чиқмай қолган пайтда ва бир қанча бошқа ҳолларда биринчи медицина ёрдами дарҳол кўрсатилиши керак. Башарти талайгина одамлар бир йўла биринчи медицина ёрдами кўрсатилишига мухтож бўлса, у ҳолда бундай ёрдам кўрсатишнинг муддатлари билан навбати белгиланади. Болаларга ва шу пайтнинг ўзида ёрдам олмаса ўлиб қолиши мумкин бўлган шикастланганларга биринчи навбатда ёрдам кўрсатилади.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибинни белгилаб олиш керак. Аввал шикастланган одамнинг ҳаётии куткариб қолишга имкон берадиган ёки биринчи медицина ёрдамининг кейинги усул-амалларини кўлланиш учун бажарилиши шарт бўлган усул-амаллар бажарилади. Чунончи, сон суяги очик синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга стерил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирламайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирламайдиган қилиб қўйиш учун махсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

Биринчи медицина ёрдамининг ҳамма усул-амалларини эҳтиёт бўлиб ва авайлаб бажариш лозим. Қўпол ҳаракатлар қилинадиган бўлса, бу шикастланган кишига зарар қилиши ва унинг ахволини ёмонлаштириб қўйиш мумкин. Биринчи медицина ёрдамини бир эмас, балки икки ёки бир неча киши кўрсатадиган бўлса, у ҳолда келишиб, иноқлик билан иш кўриш керак. Бунда ёрдам кўрсатаётганларнинг бири бошлиқ бўлиб, биринчи медицина ёрдамининг барча усул амаллари бажарилишига раҳбарлик қилиб бориши лозим.

Биринчи медицина ёрдами кўрсатишда табелдаги ва қўлда бор воситалардан фойдаланилади. Биринчи ёрдам кўрсатишда ишлатиладиган табел воситалари боғлам материали бинтлар, медицина боғлов пакетлари, катта ва кичик стерил боғламлар билан салфеткалар, пахта ва бошқа ашёлардир. Қонни тўхтатиш учун қон тўхтатадиган жгутлар: тасмасимон ва найсимон жгутлар, иммобилизация қилиш учун эса махсус тахтакачалар фанера шиналар, шотисимон, тўрсимон ва бошқа хилдаги шиналар ишлатилади. Биринчи медицина ёрдами кўрсатишда баъзи дори-дармонлардан фойдаланилади ампулалар ёки флаконга солинган спиртдаги 5% ли ёд эритмаси, флаконга солинган спиртдаги 1-2% ли бриллиант яшили эритмаси, валидол таблеткалари, валериана настойкаси, ампулаларга

солинган новшадил спирт, таблеткалар ёки порошок холидаги натрий гидрокарбонат (ичимлик сода), вазелин ва бошқалар шулар жумласидандир. Профилактика қилиш учун индивидуал аптечка (АИ-2) дан фойдаланилади.

Санитар дружиналари ва санитар постлари табел воситалари билан таъминланади. Қурилиш ва ишлаб чиқариш участкаларида, цехлар, фермалар ва бригадаларда, ўқув юртлари ва муассасаларда, аҳоли уюшган ҳолда дам оладиган жойларда биринчи ёрдам аптекалари комплектланиб, тахт қилиб қўйилади. Бошқармага тегишли одамлар ташиладиган транспорт воситалари, шунингдек, шахсий автомобиллар аптекалар билан таъминланган бўлиши керак.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги молия бошқармасида ҳодимлари томонидан шикастланган одамга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш вақтида энг аввало, унинг жароҳатланган жойларига стерил боғлам қўйиш зарур. Оёқ-қўллари лат еб, муздек бўлиб, қолиб кетган бўлса, дарров узок вақт босилиб қолган жойидан юқорирокқа жгут ёки бурама солинади. Бундан кўзланган мақсад эзилиб қолган тўқималарда тўпланиб қолган захарли моддаларнинг қопга сўрилиб, юқорига ўтмаслигига тўсқинлик қилишдир. Жгутни жуда ҳам қаттик ва таранг қилиб қўймаслик керак, акс ҳолда шикастланган жойларга қон келиши тўхтаб қолиши мумкин. Бундан ташқари, узок вақт босилиб, эзилиб қолган қўл-оёқлар ушлаб кўрилганда, ҳарорат юқори бўлмаса, уларни бинт, дока билан мустаҳкам боғлаб, устига совуқ нарса қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса

Бюджетдан молиялаштирилган харажатлардан фойдаланиш йўллариини белгилашда уларнинг таркибий тузилиши ва асосий йўналишлари муҳим аҳамият касб этади.

Бюджет харажатларининг таркибий тузилиши давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг турли соҳасидаги ўрнини аниқ кўрсатиб беради. Шу билан бирга, бюджет харажатларининг таркибий тузилиши устувор аҳамиятга эга давлат дастурлари учун мўлжалланган маблағларни ҳам ўзида акс эттиради.

Давлат бюджетидан харажатларни молиялаштириш бюджет кўрсаткичлари доирасида йирик ижтимоий тадбирларни, устувор иқтисодиёт тармоқлари ривожланишини ҳамда давлат ва миллий дастурларни молиялаштиришни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси президенти И.Каримов: “...Ҳукуматимиздан, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва корхоналар раҳбарларидан белгиланган мақсадли кўрсаткичларни сўзсиз бажариш бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган ишларни доимий равишда амалга оширишни таъминлаш талаб этилад ”³¹, дея таъкидлаб ўтган. Ушбу даъват давлат бюджети маблағларидан самарали ва ўз ўрнида фойдаланишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасида бошқа соҳаларда олиб борилган иқтисодий ислохотлар қатори давлат молияси соҳасида ҳам, хусусан, давлат бюджети харажатлари таркибида ҳам ўзига хос ўзгаришлар амалга оширилишини ва бунинг натижасида кўплаб ютуқларга эришилиши лозим бўлади.

Олиб борилган илмий тадқиқот натижасида бюджет амалиётида бюджет маблағларидан фойдаланишда қуйидагиларни эътиборга олинишини муҳим деб биламиз:

³¹ Каримов И.А. барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 486.

1) биринчи даражали тўловларни (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, ижтимоий нафақалар ва стипендиялар) ўз вақтида молиялаштирилмаслиги ҳамда нақд пул билан таъминланмаслиги, тўлов муддатларини кечиктиришга йўл қўймаслик;

2) бюджет параметрларига ва харажатлар сметаларидаги лимитларга амал қилмаслик натижасида иш ҳақи, коммунал хизматлар ва хўжалик харажатларидан ортиқча харажатларга йўл қўймасликка эришиш;

3) бюджет муассасаларининг харажатлар сметаларида кўзда тутилмаган харажатларни амалга ошириш ва бюджет маблағларидан самарасиз ва бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўймасликка эришиш;

4) ўзини-ўзи бошқариш органлари (маҳалла қўмиталари) орқали аҳолининг кам таъминланган қатламларига тўланадиган ижтимоий нафақаларни тайинлашдаги турли маҳаллийчилик ва қариндош-уруғчиликка йўл қўйиш ҳамда уларни тўлаш даврида банк муассасалари ходимлар ва ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимлари билан бирга турли қонунбузарликларга ва давлат маблағларини ўзлаштиришга йўл қўймасликка эришиш;

5) маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг бюджет жараёнига асоссиз аралашуви натижасида бюджет маблағларини бюджет параметрларида кўзда тутилмаган қурилиш, таъмирлаш ишларига, автомобиллар, дабдабали жиҳозлар сотиб олишга ҳамда турли тадбирларни ўтказишга сарфламаслик;

6) моддий-жавобгар шахслар томонидан ўз жавобгарлигидаги моддий қимматликлар ва нақд пулларда камомадларга ҳамда талон-тароғликларга йўл қўймаслик;

7) бюджет маблағлари ҳисобига капитал қурилишни амалга оширишда пудрат ташкилотлари томонидан белгиланган лимитлардан ортиқча иш бажаришга, нархлар қимматлашувининг индексини ошиб кетишига ва натижада қурилиш объекти қийматининг қимматлашувига йўл қўймаслик ва ҳоказо.

Айтиш жоизки, мухтарам президентимиз томонидан мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган асосий устувор вазифаларни амалга ошириш ҳамда ижобий натижага эришиш кўп жиҳатдан бюджет маблағларидан самарали ва ўринли фойдаланиш билан белгиланади.

Шу боис бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

- бюджет маблағларидан фойдаланишда бюджет интизомига алоҳида эътибор қаратиш, бюджет маблағларидан белгиланган мақсадларда фойдаланиш, ресурслардан фойдаланиш шароитида белгиланган лимитлар доирасида сарф-харажатни амалга ошириш;

- бюджет ташкилотлари мансабдор шахсларининг бюджет маблағларидан фойдаланиш юзасидан дунёқарашини ўзгартириш лозим. Бунинг учун уларнинг иқтисодий эркинлигини оширган ҳолда бюджет маблағларидан тежаб фойдаланишга ўргатиш зарур;

- бюджет ташкилотларида фойдаланилмаётган асосий воситани ижарага беришдан олинадиган даромаднинг тақсимланиш нисбатини қайта кўриб чиқиш лозим;

- бюджетдан молиялаштириладиган харажатларни самарали бошқариш нафақат бюджетдан молиялаштиришни амалга ошириш жараёнига, балки бюджетдан харажатларни режалаштириш жараёнига ҳам тааллуқли бўлиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда мамлакатдаги мавжуд аҳволни ўрганиб чиқиб, бюджет харажатларини режалаштириш жараёнида ажратилган маблағлардан фойдаланиш бўйича қуйидаги ўзига хос тавсияларни ҳам эътироф этиш лозим:

- 1) Бюджетнинг иккинчи даражали харажатларини маблағ билан таъминлаш оқибатида биринчи даражадаги тадбирларга маблағ йўналтиришни кечиктирмаслик;

2) Маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет маблағлари сарфланишига ўринсиз аралашуви, яъни маблағларни бюджет параметрларида кўзда тутилмаган харажатларга йўналтирмаслик;

3) Иш ҳақи, хўжалик харажатлари бўйича белгиланган бюджет меъёрларини ошириб боришга йўл қўймаслик;

4) Бюджет маблағларини бир моддадан иккинчи моддага ўтказиш ва улардан ноқонуний тарзда фойдаланишга йўл қўймаслик.

Ўйлаймизки, юқорида қайд этилган тадбирларнинг амалга оширилиши бюджет маблағларидан мақсадли ва ўринли фойдаланишни таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2014. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги 136-сон қонуни билан тасдиқланган) (кейинчалик киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда).
3. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси (Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2013 йил 26 декабр ЎРҚ-360-сон қарори билан тасдиқланган).
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартиби” 1999 йил 3 сентябрдаги № 414 сонли Қарори.
5. Давлат молияси тизими. Меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т.: Ўзбекистон. 2001. -368б.
6. Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидалари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 сентябрда 2007-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).
7. Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш тартиби тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 17 июнда 2112-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).
8. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йуриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 1 февралда 2320-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).
9. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1994. 20-бет.
10. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга

- кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012. – 36 б.
- 11.Каримов И.А. Бизнинг эзгу мақсадимиз – тараққий топган давлатлар каторига киршидан иборат. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 6-6.
 - 12.Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
 - 13.Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь, № 13 (5687)
 - 14.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
 - 15.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликга эришиш оstonасида. - Т.: Ўзбекистон, 2011. -440 б.
 - 16.Каримов И.А. “2015 йил иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” // Халқ сўзи, 11-сон, 17январ 2015й. 2-бет.
 - 17.Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. “Халқ сўзи”, 2015 йил 28 январ
 - 18.Каримов.И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. “Халқ сўзи”, 2015 йил 30 январ.
 - 19.Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. //Халқ сўзи, 2015, 25 феврал.
 - 20.Абулқосимов Х.Р., Хамраев О.Я. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 304-б.
 - 21.Азизова И.А. Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш. – Т.: 2010. – 152 б.

22. Акперов И. и др. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации. Учебное пособие. - М.: «Финансы и статистика», 2011.
23. Акрамов Э.А. Иқтисодий тараққиётнинг “Ўзбек модели” амалда. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2011.
24. Бабищ А.М., Павлова Л.Н. Государственные и муниципальные финансы. –М.: ЮНИТИ. 1999.
25. Бабищ А.М., Павлова Л.Н. Финансы. –М.: ФБК-пресс. 2000.
26. Бабищ А.М., Павлова Л.Н. Финансы, денежное обращение, кредит. –М.: ЮНИТИ. 2000. -687с.
27. Барулин С.В. Финансы. – М.: КНОРУС, 2011. – 640 с.
28. Брайцева Т. В. Государственные финансы. Санкт Петербург.: Питер. 2001. -278с.
29. Вахабов А., Разыкова Г. Модернизация экономики. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – с. 200.
30. Вахабов А.В. ва бошқ. Молиявий саводхонлик асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Бактрия пресс, 2013. – 288 б.
31. Ваҳобов А., Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: Iqtisod-moliya, 2008. -287б.
32. Ваҳобов А., Маликов Т. Молия. Дарслик. – Т.: Ношир, 2011. – 712 б.
33. Гизатулин Х.Н., Зарипова И.Р. Формирование и проблемы расширения самостоятельности местных бюджетов в условиях рыночных отношений. 2-изд. Уфа: Институт экономики УрО РАН, 2001. 248с.
34. Дмитриев М. Бюджетная политика в современной России. –М.: Московский Центр Карнеги. 2001. -264с.
35. Журавлева Л.В. Бюджетная политика как метод государственного регулирования. –М.: Дело. 2001. -264с.
36. Зайналов Ж.Р., Хусанов Б.Ш., Раупов Д.У. - «Давлат бюджети» фанидан Ўқув-услугий мажмуа: СамИСИ, 2013. 1203 бет.
37. Зарипова И. Р. Хафизова В.Р. История развития и современной

- состояние межбюджетных отношений в России. –Уфа: ГП Принт. 2001. -181с.
- 38.Землин А. И. Бюджетной право: схемы и комментарии. –М.: Юриспруденция. 2001. -240с.
- 39.Ибрагимов А.К., Сугирбоев Б.Б. Бюджет назорати ва аудити. – Т.: InfoCOM.UZ, 2010. – 192 б.
- 40.Иванова Н.Г. Казначейская система исполнения бюджетов. –Санкт Петербург.: Питер. 2001. -200с.
- 41.Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. – Т.: Академнашр, 2011. – 472 б.
- 42.Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. – Т.: Молия, 2009.
- 43.Наговицин А. Г. Бюджетная политика. -М.: Инфра. 2000. -124с.
- 44.Наговицин А.Г. Бюджетная политика. М.: Экзамен. 2000. 512с.
- 45.Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Финансы. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010.
- 46.Орёшин В.П. Государственное регулирование национальной экономики. -М.: Инфра. 2000. -56с.
- 47.Поляк Г.Б. Бюджетная система России. -М.: ЮНИТИ. 1999. -539с.
- 48.Поляк Г.Б. Финансовой обеспечение социальной сфере. -М.: Финансы и статистика. 1998.
- 49.Поляк Г.Б. Финансы местных советов. -М.: Финансы и статистика. 1998
- 50.Раҳимова А., Ҳожиёв Э. Ўзбекистон Республикасининг молия ҳуқуқи. -Т.: ТДЮИ. 2002. -406б.
- 51.Sandford C. Economics of Public Finance. Pergamon Press.1998.-130 p.
- 52.Срожиддинова З.Х. Управление государственными финансами. Тексты лекций. Т.: ТФИ. 2001. 94с.
- 53.Срожиддинова З.Х. Шарифходжаев М.Ш. Туляганова Н. Б. Бюджетная политика Республики Узбекистан. Учебное пособие. Т.: ТФИ. 2001.

- 86с.
- 54.Срожиддинова З.Х. Абдуллаев Ё. А., Усипбоев Н.И. Государственные финансы Республики Узбекистан. Учебное пособие. Т.: ТФИ. 2001. 85с.
- 55.Срожиддинова З.Х. Ваҳобов А.В., Сиддиқов Ж.Р. Государственный бюджет Республики Узбекистан. Учебное пособие. Т.: ТФИ. 2001. 107с.
- 56.Financial Statements and Budget Reports. Her Majesty's Treasury annual. 1998 y -42 p.
- 57.Жамолов Х. Н. Межбюджетные отношения. Сборник текстов лекций. Т.: ТФИ. 2001. 214с.
- 58.Коровлева Н.В. Бюджетно-налоговая политика-как проявление экономической политики. Региональный аспект. 2-изд. Сыктывкар: Изд. Сыктывкарского Гос. Унив-та, 2000. 196с.
- 59.Pagano M Financial Markets and Economic Review. 2000. pp 912.
- 60.Срожиддинова З.Х.Бюджетлараро муносабатлар: Ўқув қўлланма. – Т.: infoCOM.UZ, 2010. – 156 б.
- 61.Срожиддинова З.Х.Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими: Дарслик. – Т.: infoCOM.UZ, 2010. – 500 б.
- 62.Файзуллаев Ё.Ш., Азизова И.А. Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш. – Т.: 2010 - 152 б.
- 63.Черновец С. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебное пособие. – М.: Магистр, 2010.
- 64.Steinbery A. An innovatori package for financial sector reforms. Journal of Banking and finance, 2001.
- 65.Szepo G. Financial regulation and multitier Financial intermediation system in Eastern Europe. Introduction journal of Banking and finance 2000. pp 410.
- 66.Қосимова Г. А. «Ғазначилик тизимида ижтимоий соҳага ажратилган бюджет маблағларининг самарадорлигини ошириш. «Ўзбекистон

- Республикаси иқтисодиёти ўсишини таъминлашда молия-кредит механизмларининг самарадорлигини ошириш муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент. Банк-молия Академияси. 2004 йил. 25 май.
- 67.Қосимова Г. А. Харажатларни бошқариш асоси. Жамият ва бошқарув. 2005йил 1-сон. 31-33 бет.
- 68.Қосимова Г. А. Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги. Солиқ тўловчининг журнали. 2005йил 5-сон. 47-48 бет.
- 69.Қосимова Г. А. «Ўзбекистон Республикаси банк ва молия тизимларида ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент. Банк-Молия Академияси. 2005 йил. 15 июн.
- 70.Қосимова Г. А. «Ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сиёсати» Молия. 2004. -152б.
- 71.Журнал ва газеталар: - Бозор, пул ва кредит 2000-2014 йиллар ва 2015 йил 1-4 сонлари; - Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси 2000-2014 йиллар ва 2015 йил 1-4 сонлари; - Солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби 2000-2014 йиллар ва 2015 йил 1-4 сонлари; - Молия 2009-2014 йиллар ва 2015 йил 1-2 сонлари; - Иқтисодиёт ва таълим 2009-2014 йиллар ва 2015 йил 1-2 сонлари;- Солиқ ва божхона хабарлари 2000-2014 йиллар ва 2015 йил 1-4 сонлари.
- 72.Интернет сайтлари:
- [http: //www.finance.rambler.ru](http://www.finance.rambler.ru)
- [http: //www.finansy.ru](http://www.finansy.ru)
- [http: //www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)
- [http: //www.mf.uz](http://www.mf.uz)
- [http: //www.minfin.ru](http://www.minfin.ru)
- [http: //www.stat.uz](http://www.stat.uz)